Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 4-FEVRAL, PAYSHANBA, **5 (637)-SON**

e-mail: **xxi_asr@umail.uz**, web sayt: **www.21asr.uz**

**9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

## *Тарих ибрати ва ҳаёт ҳикмати*



**Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий нафақат бадиий асарларида, балки илмий-филологик ва тарихий асарларида ҳам эзгу ном қолдириш даъваткори ҳамда комил ахлоқ тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. Ҳазрат ижодида айниқса соғлом оила муҳити, оила ва фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни масаласи алоҳида ўрин тутади.**

«Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган шеърлардан бирида «Ано ўрнин ато тутмас ўғулга», деб ёзади. «Ҳайрат ул-аброр»да отани қуёшга, онани ойга ўхшатиб, уларнинг фарзанд тарбияси билан куну тун банд бўлиши ҳақида ҳароратли мисралар битади. Фарҳоднинг отасига кўрсатган беҳад эҳтиромини китобхонга ибратли тарзда баён этади. Искандарнинг ўлими олдидан бутун дунёни забт этиши онаси оёғининг гардига ҳам арзимаслигига иқрор бўлишини ғоят таъсирчан тасвирлайди. Айниқса, жунун саҳросида кезиб, бутун борлиқни унутган Қайс онасининг хасталигини эшитгач, ўзини қўлга олиши ва она ризолиги учун шошилиши бадиий жиҳатдан юксак ифодасини топган. Бундай мисолларни улуғ сўз санъаткори ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Шоир ота розилигини Аллоҳ розилигига тенглаштириб, шундай ёзади: «...отанг парвардигорингдур бу жиҳаттинким, Тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа восила улдур ва туфулиятдин шабоб синниғача парвариш бергувчи ул». Яна бир ўринда «Ато хатосин ҳам ато билгил», яъни отанг қилган хатони ҳам Тангрининг сенга иноятини бил, деб уқтиради.

Алишер Навоий ота-онага чексиз ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбия топган. Масалан, «Насойим ул-муҳаббат» асарида Мавлоно Лутфий ҳақида сўз юритар экан, «Фақирни волидайн (ота-она) ризолигига даъват қилур эрди», деб ёзади. «Муншаот» деб аталувчи мактублар тўпламидан ўрин олган хатларидан бирида Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари, хусусан, Бадиуззамонга отасини ҳурмат қилиш, унинг раъйига қарши бормаслик, дилини оғритмасликни насиҳат қилади. «Мажолис ун-нафоис»да айрим истеъдодли, хушахлоқ ёш ижодкорлар ҳақида маълумот берар экан, уларни баркамол этиб тарбиялаган оталарини ҳам албатта эслаб ўтади.

Улуғ шоирнинг ота-она ҳамда фарзандлар муносабати мавзусига турли жанрлардаги асарларида қайта-қайта мурожаат қилишига тарихий вазият ҳамда мавжуд шарт-шароит ҳам сабаб бўлган. Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғиллари билан низо ва нифоқларга бориши, ҳатто ота-болаларнинг бир-бирига қилич кўтариши мозийни чуқур билувчи донишманд, истиқболни кўра оладиган давлат арбоби, шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни изтиробга солган. Шунинг учун ҳам у гоҳ лирик шеърларида, гоҳ эпик достонларида, баъзан тарихий асарларида ота-ўғил низолари яхшиликка олиб келмаслигини, бебаҳо дунёда фақат эзгу ном билан боқий қолиш мумкинлигини муттасил таъкидлайди.

Президентимиз раҳнамолигида қадимий ва бой миллий меросимизни тиклаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этишга эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда айниқса Алишер Навоий ижодининг турли қирраларини ўрганиш, тадқиқ этиш, нашр қилиш, бир сўз билан айтганда, буюк шоирнинг ўлмас асарларини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамият таянчи бўлган оиланинг маънавий соғломлиги, мустаҳкамлиги ҳамда баркамол фарзанд тарбияси жамоатчиликнинг, биринчи навбатда, таълим муассасаларининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган 2016 йилда бу борадаги ишлар янги босқичда давом эттирилмоқда. Бунда жамият ва оила, ота-она ва фарзандлар муносабатини юксак пардаларда тараннум этган Алишер Навоий ўлмас адабий мероси, пурмаъно ўгитларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

**Ҳабибулло ЖЎРАЕВ,**
**Фарғона давлат университети доценти, филология фанлари доктори.**
**(ЎзА)**

## *Эҳтиром намунаси*

**Тошкент Алоқа ва ахборот технологиялари университети Урганч филиали ҳузуридаги академик лицейда ўтказилган адабий кеча сўз мулкининг султони, адолат, ҳақиқат тантанасини тараннум этган буюк зот Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланди.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Г. Ибодуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими О. Эркин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист О. Пўлат ва бошқалар шоирнинг беқиёс девонлари, эпик кўламга эга достонлари, туркий ва форсий тилдаги ноёб ғазаллари хусусида атрофлича тўхталдилар.

— Алишер Навоийнинг адабий мероси бизни ҳар куни маънавий таянч, туганмас эстетик бойлик сифатида қўллаб-қувватлаб, фикримизга фикр, туйғуларимизга туйғу қўшиб келади, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Урганч шаҳар кенгаши раиси Д. Ибрагимов. — Бу мероснинг бош ғояси инсонпарварлик, имон, собит эътиқод ва юксак маънавият масалаларидан иборат. Шоирнинг эзгу нияти одамийликнинг илоҳий моҳиятини тушунтириб бериш, ёш авлодни комил инсонлар даражасида кўришдир. Айнан шунинг учун ҳам шоир асарлари барчамизни ҳаётни севиш, табиатни асраш, бир-биримизни қадрлашга ундамоқда!

**МУНОСАБАТ**









# АЗАМАТ ХАЛҚНИНГ АСЛ ҚУДРАТИ

### Миллий иқтисоднинг фалсафий асослари

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси билан танишиш асносида, аввало, жаҳонга «ўзбек модели» деб донг таратган миллий иқтисодиётнинг фалсафий негизлари, асослари нақадар пухта, ҳаётбахш эканлигини яна бир марта эътироф этгинг, мулоҳазаларни ўртоқлашгинг келади. Аслида бу моделнинг ғоят инсонпарвар фалсафаси мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шакллантирила бошланган эди. 1992 йил, 2-3 июль XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида давлатимиз раҳбари «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» деб номланган маъруза билан чиқиш қилган эди.

Ўша маърузадан икки иқтибос: **1) «Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ»;**

**2) «Ишбилармонларнинг сонини кўпайтирайлик, ҳар қайси одамга муносиб қурол берайлик. Қурол дегани автомат эмас, пулемёт эмас, қурол дегани — иқтисодий билим. Аввало, иқтисодни ўрганишимиз керак. Ишни ташкил қилишни ўрганишимиз керак. Буям битта қурол».**

Эътибор бераяпсизми? Бу фикрлар миллий давлатчиликка асос солинган дастлабки кезларда айтилган ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этила бошланган эди. Хўш, натижа қандай бўлди, бу ҳақда бугун ғурур ва ифтихор билан бaралла сўзлаш мумкин.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи шу тармоқда меҳнат қилмоқда. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, чуқур иқтисодий билим билан қуроллантирилган бугунги авлод шахсий манфаат деганда, аввало, давлат манфаати билан муштарак тушунчани ҳис қилишига эришилгани «ўзбек модели»нинг энг катта ютуғидир!

3 ▸

# Сервис ривожида аёллар ўрни

O`zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ГАРОВИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Унда O`zLiDeP электорати манфаатлари ифодаланган амалий ишлар, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг бажарилиши, қишлоқларда қўшимча инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда муқобил таклифларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг масъулиятини кучайтириш, соҳа ривожи йўлида хизмат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

3 →

## ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА



5 Ваколат ва имкониятлардан қай даражада фойдаланилмоқда?

## ЖАРАЁН



6 Бухорода «Ёш лидерлар» клуби

## ИҚТИСОДИЁТ



7 Солиқ имтиёзлари — қўшимча даромад манбаи

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 2 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2006,23 | 1 АҚШ доллари | 2836,87 | 1 Хитой юани | 431,22 | 1 Польша злотийси | 695,72 | 1 ЕВРО | 3093,16 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4045,65 | 1 Миср фунти | 362,31 | 1 Россия рубли | 37,74 | 1 СДР | 3916,29 | 10 Жанубий Корея вони | 23,62 |
| 1 Дания кронаси | 412,42 | 1 Исландия кронаси | 21,77 | 1 Украина гривнаси | 111,01 | 1 Туркия лираси | 958,72 | 10 Япония иенаси | 234,03 |
| 1 БАА дирҳами | 772,38 | 1 Канада доллари | 2026,19 | 1 Малайзия ринггити | 683,58 | 1 Швейцария франки | 2777,43 | | |

# Парламент назорати

## ҚОНУНЛАРНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»

Маълумки, назоратнинг ушбу шакли орқали қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга оширилаётганлиги, парламентнинг мазкур функциясига доир ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш борасида яна қандай қонунларга эҳтиёж сезилаётгани маълум бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг O`zLiDeP фракцияси масъуллигидаги Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Парламент назоратини амалга ошириш самарадорлиги: ҳуқуқий асослар ва амалиёт» мавзуида ўтказилган семинарда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Президентимизнинг 2015 йил 23 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, айни пайтда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш, тегишли давлат идоралари, вазирлик ва қўмиталарнинг ҳисоботларини тинглаш каби шаклларидан амалиётда самарали фойдаланилмоқда.

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратининг кучайиши билан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил этиш, белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилишига эришиш имконияти ортиб бормоқда, **— дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Владислав Цветков.** — Қолаверса, бу орқали нафақат марказда, балки олис қишлоқ ва туманларда ҳам аҳолини ўйлантираётган масалалар ўз вақтида ечимини топаётир. Парламентнинг назорат функциясини янада кучайтиш масаласига қайтадиган бўлсак, бу нафақат депутатлар, балки бутун партия тизимидаги ишларни самарали йўлга қўйишни талаб этади. Яъни, бошланғич ташкилотлар, маҳаллий кенгашлар ва партия гуруҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур. Ана шундагина қонун ҳужжатларининг жойларда қандай бажарилаётганини атрофлича ўрганиш, иқтисодиёт ривожига муносиб улуш қўшаётган тадбиркор ва фермерлар қандай муаммоларга дуч келаётгани, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги ҳақида таклиф ва тавсиялар олиш имкони кенгаяди.

Ишчанлик руҳида ўтган йиғилишда депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан қонунчиликка парламент, депутат ва сенатор сўрови институтларига оид янги нормалар киритилганини алоҳида таъкидладилар.

Қайд этилганидек, аввалари қонунчилигимизда парламент назоратининг муҳим шакли — парламент сўрови масалалари алоҳида белгиланган бўлса-да, айнан қуйи палата депутати ҳамда Сенат аъзоси томонидан сўров юбориш механизмлари тўлиқ аксини топмаган эди. Қонунчиликка киритилган янгиликлар асосида «депутат, сенатор сўрови», «парламент сўрови» институтларининг ўзига хос жиҳатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Семинар давомида депутатлар парламент сўровини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг парламент сўровига жавоб йўллаш тартиби ва муддатлари, парламент томонидан муҳокама этиш жараёнлари хусусида қўмита ҳузурида тузилган эксперт гуруҳида фаолият юритаётган назариётчи олимлар ҳамда мутахассислар билан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир сўнгида қўмитанинг тегишли таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

# Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

## МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИНИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ КИРИБ КЕЛИШИДАН ҲИМОЯЛАШ, БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ВЕТЕРИНАРИЯ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ МАЪНОДА, ЯҚИНДА КУЧГА КИРГАН ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «ВЕТЕРИНАРИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ БУ БОРАДАГИ ИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

**ИСЛОМЖОН ЗОКИРОВ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси



Президентимиз ўтган йилнинг 23 январида парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг тўғридан-тўғри ижросини таъминлаш, ҳавола нормаларни имкон қадар кенгайтиришга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда, янги таҳрирдаги қонун ижро механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўнга яқин янги модда билан тўлдирилди. Натижада у бир-бирига мантиқан боғланган 32 та моддадан иборат яхлит ҳужжатга айланди.

Шу ўринда янги таҳрирдаги қонуннинг партиямиз электорати манфаатларига не чоғли дахлдор жиҳатлари бор, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, O`zLiDeP Сайловолди платформаси орқали хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олган. Шунинг учун ҳам фракциямиз аъзолари хусусий ветеринария хизматининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш, уни ортиқча мажбурият ва юкламалардан озод қилиш масалаларини қонун нормаларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Бунинг самараси ўлароқ бир қанча таклифлар бевосита қонунда ўз ифодасини топишига эришилди. Жумладан, «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 16-моддасида «Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар амалга ошираётган ишлари ҳақида давлат ветеринария хизмати олдида белгиланган тартибда ҳисоб бериб боришлари шарт», деган қоида мавжуд эди. Фракциямиз бунинг ўрнига улар фақатгина «ветеринарияга оид статистика ҳисоботларини юритиш учун давлат ветеринария хизматига белгиланган тартибда ахборот тақдим этишади» деган қоидани киритишни тавсия қилди. Шу билан бирга янги таҳрирдаги қонунда мамлакатимизда сервис хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, ҳайвонларнинг турли юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш борасида хусусий ветеринариянинг ролини кучайтириш, соҳа ходимларига давлат ветеринария хизмати мутахассислари эга бўлган барча ҳуқуқлар берилди. Мазкур нормаларнинг белгиланганлиги аҳолига қулай бўлган жойларда зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш имкониятини бермоқда.

Бундан ташқари, фракциямиз аъзоларининг ташаббуси билан қонуннинг 24-моддасида давлат ветеринария назорати остидаги товарларни импорт қилишга доир шартномалар тузишдан олдин жисмоний ва юридик шахслар экспорт қилувчи мамлакатдаги эпизоотик ҳолат тўғрисида Давлат ветеринария бош бошқармаси ва унинг ҳудудий органларидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эгалиги кафолатлаб қўйилди. Бу, айниқса, хорижий мамлакатлардан ҳайвонлар ва улардан олинадиган маҳсулотларни олиб кирувчи тадбиркорлар учун айни муддао бўлди.

Шунингдек, ҳайвон эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизоотик тадбирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалалари ҳам қонун нормаларида ўз аксини топди.

Ўрни келганда қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида нафақат фракция аъзолари, балки O`zLiDePнинг Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кенгашларида ташкил этилган давра суҳбатларида соҳа мутахассислари ҳамда аҳоли томонидан билдирилган таклифлар ҳам қўл келганини эътироф этиш керак. Қисқаси, яна бир қонунда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислоҳотларга мос тарзда O`zLiDeP электорати манфаатлари мустаҳкамланди.

Мухтасар айтганда, қонун юртимизда аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш, чорвачиликни янада ривожлантириш, хусусий ветеринария хизмати тизимини кенгайтириш борасидаги ислоҳотларни амалиётга изчиллик билан татбиқ этишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

# «ЯГОНА ДАРЧА» — ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

**Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Марказларда яратилган иш механизмлари тадбиркорларга қатор қулайликлар яратаётир.**

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва 2015 йил 28 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида «ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича 14 марказ ташкил этилди. Мазкур марказлар белгиланган талаблар асосида замонавий жиҳозланди.

Марказларда тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш билан бирга, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул маслаҳат берилмоқда.

Қамаши туманида малакали мутахассислар томонидан тадбиркорларга 16 турдаги хизмат таклиф этилмоқда.

**Ў. БАРОТОВ, ЎзА мухбири.**

**Мутахассислар ҳар бир киши йил давомида ўртача 56 килограмм мева, 22 килограмм узум истеъмол қилиши лозимлигини таъкидлашади. Айниқса, қуёшли юртимизда етиштирилаётган ва сифат жиҳатдан жаҳон бозорида доимо қадрланиб келган ана шундай сархил мева, узум, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларидан етарлича истеъмол қилган ёш авлод соғлом, бақувват ўсишини тиббиёт ходимлари ҳам эътироф этишади.**

# Экспорт салмоғи янада ортади



**Зиёдулла МЎМИНОВ,** «XXI asr»

Хўш, 30 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилаётган республикамизда аҳолининг эҳтиёжини қондирадиган миқдорда мева-чева етиштирилаяптими, деган савол туғилади.

Келинг, шу ўринда саволга ойдинлик киритиш учун айрим далилларга мурожаат қилсак: масалан, биргина ўтган йили республикамизда 12 млн. тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка, қарийб 2 млн. тонна полиз, 1 млн. 556 минг тонна узум, 2 млн. 700 минг тоннадан зиёд мева етиштирилди. Ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни сақлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўтган йили маҳсулотларни қайта ишлайдиган 230 та корхона, салкам 80 минг тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилиб, замонавий технологиялар асосида модернизация қилинди.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етгани аҳолини қишда ҳам пишиқчилик пайтидагидек мева ҳамда сабзавот билан таъминлаш имконини яратди. 2020 йилга бориб эса шу турдаги маҳсулотлар етиштириш ҳажмининг ошиши уларни экспорт қилиш салмоғини кўпайтириш имконини беради.

Ҳозир мамлакатимизда 100 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятини кўп тармоқли субъектлар ташкил этади. Ўз хўжаликларига саноатни олиб кираётган ана шундай мулкдорларнинг саъй-ҳаракати билан кўплаб янги иш ўринлари яратилаяпти. Яна бир муҳим жиҳати, фермерлар бугун ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаш баробарида уни сақлаш, узоқ ва яқин хорижга экспорт қилиш билан ҳам шуғулланмоқда.

— Давлатимиз томонидан бунинг учун жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратилган, — дейди оққўрғонлик фермер Абдусамад Саидаҳмедов. — Тўғри, экспорт масаласида ҳали билим ва тажрибамиз етишмайди. Шунинг учун Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, O`zLiDeP ва Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан бевосита жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қисқа муддатли малака ошириш ўқув-семинарлари ташкил этилаётгани айни муддао бўлаяпти. Дастур давомида экспорт стратегияси, хорижга сотишга мўлжалланган маҳсулотларни суғурталаш, уларни сертификатлаштириш масалаларига соҳа мутахассислари кенг тўхталишаётгани бизга қўл келаяпти. Мен ҳам семинардан кўп нарса олдим. Боиси, информацион технологиялар ривожланаётган даврда, уйдами, даладами, ҳар қандай бизнес ҳамкор билан мулоқотда бўлиш имконига эгамиз.

Марказ томонидан ишлаб чиқилган режага асосан ҳозиргача Тошкент вилоятининг асосан мева ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Паркент, Бўстонлиқ, Қибрай, Янгийўл, Оҳангарон ва Зангиота туманларида ана шундай семинарлар бўлиб ўтди. Мева етиштириш ва сотиш бўйича асосий экспортёрлар ҳисобланган ушбу туманлар фермерлари семинарга таклиф этилган божхона ва солиқ идоралари, шунингдек, «Ўзстандарт» агентлиги, тижорат банклари ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

— Шу пайтгача маҳсулотни четга чиқариш масаласига етарлича эътибор бермаган эканман, — дейди Оҳангарон туманидаги «Гулчеҳра» фермер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Пўлатова. — Семинардан сўнг мен шунга амин бўлдимки, республикамизда фермер учун, тадбиркор учун нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни ички ва ташқи бозорда сотиш учун ҳам жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратилган. Хорижга маҳсулот чиқариш тартиби, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни сертификатлаштириш, божхона расмийлаштируви, айниқса, маҳсулотларимиз учун чет элда харидорлар топиш масаласида анча тушунча ва кўникмага эга бўлдик. Энг асосийси, тадбиркорлар, фермерлар бугун бирор идора эшигида соатлаб «сарғаймаяпти». Ҳатто телефон орқали мурожаатимизга ҳам масъул идоралар дарров жавоб беришаяпти.

**— СЕМИНАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШИМИЗДАН МАҚСАД ҲАМ АСЛИДА ЭКСПОРТ БОРАСИДА ФЕРМЕРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАРДА КЎНИКМА ҲОСИЛ ҚИЛИШ, УЛАРГА НАЗОРАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ЗАРУР МАСЛАҲАТ, АХБОРОТЛАР БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН ИБОРАТ, — ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ РАҲБАРИ АКРОМ АЛИМОВ.**

— Семинарни ташкил этишимиздан мақсад ҳам аслида экспорт борасида фермерлар ва тадбиркорларда кўникма ҳосил қилиш, уларга назорат ва хизмат кўрсатувчи органлар томонидан зарур маслаҳат, ахборотлар беришни ташкил этишдан иборат, **— дейди Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Акром Алимов.** — Бугунгача Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятларида ана шундай семинарларни ўтказган бўлсак, келгусида уни мамлакатимизда экспорт салоҳияти бир мунча юқори бўлган водий вилоятларида давом эттирмоқчимиз.

Тошкент ва Сирдарё мисоли шуни кўрсатдики, бугунги фермер ёки тадбиркор кечаги кун билан яшамаяпти. У дунё бозоридан хабардор, интернет орқали хориждан маҳсулотига харидор топаяпти. Бозор коньюнктурасини ўрганяпти. Қувонарлиси, бизнес саҳнига кириб келаётган ёш мулкдорлар чет эллик шериклар билан бир нечта тилларда бурро гаплашиб, уларни лол қолдириши эвазига ҳамкор топиши осонлашаяпти. Чунки ўзбек тадбиркори азалдан ишончли ҳамкор эканлигини улар яхши билишади-да.

Хуллас, ҳозирдан бир қатор фермер ва тадбиркорларимиз тўғридан-тўғри ўзлари ёки Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошида ташкил этилган жамғарма орқали 2016 йил ҳосилини экспорт қилиш бўйича ишларни бошлаб юборишди.

# Азамат халқнинг асл қудрати

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Уч йил муқаддам бўлиб ўтган нуфузли халқаро конференцияни бир ёдга олайлик. Ўшанда — дунёнинг таниқли иқтисодчилари пойтахтимизда жам бўлган, 2012 йил 14 сентябрда «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» деган мавзуда халқаро илмий конференция бўлиб ўтган ва анжуманнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлаб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг сабаблари ҳақида тўхталар экан, жумладан, шундай деган эди: **«... кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир».** Ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти таққослашда, қиёсда яққол кўзга ташланади. Биринчидан, ўйлаб кўрилса, шу жумланинг ўзиёқ собиқ мустабид тузумнинг манфур башараси, мазлумга имконият бермаслик, истеъдодини юзага чиқармаслик принципини англашга даъват қилади. Иккинчидан, Ватанимиз фарзандлари азалдан савдо-сотиққа уста, Буюк Ипак йўли бўйлаб Мағрибу Машриққа нонию шони шавкати таралган азамат халқ. Аммо ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига қадар бу халқнинг боши таъна-маломатдан чиқмади, текинхўр, билимсиз, деган куракда турмайдиган дашномлар эшитиш билан ўтди. Мустақилликдан кейин хусусий мулкчиликка кенг йўл очилиши туфайли асл истеъдод, қон-қонимизга сингиб кетган ишбилармонлик, тадбиркорлик фазилати қайта уйғонди, дастлаб чўчиб, ишонқирамайгина ўз бизнесини бошлаган авангард қатламнинг салмоғи бугун мингларча, юз мингларча бўлди, давлат ва шахсан мамлакат Президенти тадбиркорларни ўз ҳимоясига олаётгани, қулай муҳит яратиб бераётганини кўрган-билганлар, кейинроқ сира иккиланмай, дадил, шахдам қадамлар билан хусусий тадбиркорлик йўлидан боришди. Ва Юртбошимиз маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоизни ташкил қилди! Албатта, бу рақамлар ортида қанча фидойи ватандошларимизнинг сидқидилдан қилган ҳалол меҳнатлари, ўз ғоясини амалга ошириш йўлидаги тинимсиз изланишлари ётганини батафсил қамраб, шарҳлаб беришнинг имкони йўқ.

## Тан олинган модель

Маърузани ўқир эканмиз, ўрни билан тўққизта йўналиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофи, Ўзбекистон иқтисодиётига берган холис баҳоси қиёсий таҳлиллар асосида қайд этилади. Яхши биламизки, бу ташкилотлар бировнинг қош-қовоғи, нуфузига қараб ўтирмайди. Улар фақат ва фақат ўжар далиллар, эришилган марралар, ютуқлар бўйича ҳисоб-китоб қилишади. Демак, бизнинг муваффақиятларимиз хорижлик иқтисодчиларни ҳам алоҳида эътироф этишга мажбур қилаётган экан, унинг оҳанрабоси, қувват манбаи нимада?.. Бизнингча, **бу манба халқнинг зўр азимат билан давлат раҳбари кўрсатган йўлдан бораётгани, эзгу, муштарак ғоя — Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантириш маслаги атрофига мустаҳкам уюшганидадир!**

Мана шу уюшиқ ҳаракат натижасида бугун мамлакатимиз бутун дунё олимлари ва мутахассислари эътирофига сазовор бўлиб турибди. Хусусан, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» (87-ўрин), «Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» (42-ўрин), «Тузилган шартномалар ижросини таъминлаш» (32-ўрин), «Иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланиладиган банкротлик тизимининг самарадорлиги» (75-ўрин), «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» (42-ўрин) каби рейтинг ва кўрсаткичлари бўйича мамлакатимиз катта сакрашга эришди, қисқа фурсатда капитал қўйилмалар учун энг ишончли мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Бундан ташқари, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича **дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.**

## Ислоҳотларнинг янги стратегияси

Ушбу маъруза билан чуқурроқ танишсангиз, мавжуд шарт-шароитлар ҳамда етилган имкониятлар негизида ислоҳотларнинг янги даври бошланаётгани ва бу босқичда хусусий мулк, ишлаб чиқариш, кичик бизнес каби йўналишларда муҳим ишларни амалга ошириш кўзда тутилаётганини англаш мумкин.

Бу нималарда намоён бўлади?

Маърузада таъкидланганидек, аввало, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни янада жадал ривожлантирилади. Масалан, муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор ишлаб чиқариш объектлари, банклар эндиликда хусусий сектор ихтиёрига берилмоқда. Бу тадбирнинг мазмун-моҳияти шуки, мақоламиз аввалида қайд этганимиздек, давлатимиз раҳбарининг бундан қарийб чорак аср муқаддам кўзлаган ният-мақсади амалга ошиб, бугун мамлакат иқтисодига ўз улушини қўша оладиган, билимли, давлат ва ўз манфаатларини уйғун ҳолда кўра биладиган тадбиркор ва омилкорлар авлоди етишиб чиқди. Ислоҳотларнинг айни босқичида мана шундай ишончли, сўзида, ўзида илм учқунлари чақнаб турган кадрлар сафда экан, табиийки, уларга ишониш, кенг имкониятлар яратиб бериш иқтисодиётимизда нафақат таркибий ўзгаришлар, балки сифат ўзгаришларига ҳам олиб келишига шубҳа йўқ.

> **МУСТАҚИЛЛИКДАН КЕЙИН ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛИШИ ТУФАЙЛИ АСЛ ИСТЕЪДОД, ҚОН-ҚОНИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАН ИШБИЛАРМОНЛИК, ТАДБИРКОРЛИК ФАЗИЛАТИ ҚАЙТА УЙҒОНДИ, ДАСТЛАБ ЧЎЧИБ, ИШОНҚИРАМАЙГИНА ЎЗ БИЗНЕСИНИ БОШЛАГАН АВАНГАРД ҚАТЛАМНИНГ САЛМОҒИ БУГУН МИНГЛАРЧА, ЮЗ МИНГЛАРЧА БЎЛДИ, ДАВЛАТ ВА ШАХСАН МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ ТАДБИРКОРЛАРНИ ЎЗ ҲИМОЯСИГА ОЛАЁТГАНИ, ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИБ БЕРАЁТГАНИНИ КЎРГАН-БИЛГАНЛАР, КЕЙИНРОҚ СИРА ИККИЛАНМАЙ, ДАДИЛ, ШАХДАМ ҚАДАМЛАР БИЛАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИДАН БОРИШДИ.**

**Иккинчидан,** меҳнатни ташкил этиш шакли ўзгармоқда. Аниқроқ айтганда, ташкилотларнинг мавжуд потенциалини тўла-тўкис намоён қилиш мақсадида чет эллик инвесторларни кенг жалб қилган ҳолда акциядорлик жамиятларида йўлга қўйила бошланган корпоратив бошқарув шакли эндиликда жадал ривожлантирилади, рағбатлантирилади. Бундай йўл тутишнинг мазмун-моҳиятига эътибор берсангиз, дунёда махсус фан, тадқиқот йўналиши сифатида тан олинган «Меҳнат социалогияси»да муваффақият гарови сифатида энг аввал қайд қилинадиган омил — «Меҳнатни ташкил қилишнинг прогрессив усуллари» жорий этилаётгани, у янги, замонавий асосларга таянаётганини кўриш мумкин. Корпоратив бошқарувнинг афзаллиги шундаки, бунда ташкилотнинг тақдири айрим шахснинг эмас, икки ва ундан ортиқ жамоанинг қўлида бўлади. Шу тариқа мураккаб вазиятлар, янгиликларни жорий этиш, даромад ва буромадларни тақсимлашда демократик, очиқ тизим шакллантирилади. Бу вазиятда ҳамма нарса ўзаро ишонч ва садоқатга таянадики, бу ҳам айни усулнинг мутлоқ афзаллигидан бир нишонадир. Айни жабҳада иқтисодий билим ва малака, ишга ёндашув жиҳатидан дунёнинг энг илғор мамлакатларидан бири — Германия билан ҳамкорликда мамлакатимизда корпоратив бошқарув махсус илмий-таълим марказининг ташкил этилгани, малака ошириш, тажриба алмашиш имконияти йўлга қўйилганлиги келгуси ютуқлар учун ташланган яна бир дадил қадамдир.

**Учинчидан,** жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир шароитда мамлакатимизда ўтган 2015 йилда барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолингани, ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошгани, яъни миллий иқтисод тўла оёққа туриб, йирик ислоҳотлар ўтказишга ҳар жиҳатдан тайёрлигини намоён этган бир вазиятда, эндиликда мўлжални кенгроқ олиб, янада узоқроқ даврга мўлжалланган ва янги давр, глобаллашув ва «ахборот асри» туғдираётган мураккабликларни инобатга олган, жаҳон иқтисодий илмлари мажмуидаги ютуқларни ўзида акс эттирган кенг қамровли стратегик режани, қадам ташлашни тақозо этаётган эди. Биз бу маърузада ана шу режанинг умумлашма қиёфаси, яъни пухта ўйланган чизгиларини ўқиб, уқиб олишимиз мумкин.

Президентимиз маърузасида янги стратегик режанинг бир қанча муҳим тафсилотлари баён этилган. Хусусан, хусусий секторга кенг имконият берилаётгани ва иқтисодиётни бошқаришда янгича тизим йўлга қўйилаётганини юқорида эсладик. Шунингдек, экспорт маҳсулотлари тайёрлашда фермер хўжаликлари улушини оширишни қўллаб-қувватлаш кейинги босқичда, ушбу маърузада қайд этилганидек, рағбатлантирилади. Хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш мақсадида қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтиш барча тармоқларда йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, у **биринчи босқичда** хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, **кейинги босқичда** саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, **учинчи, якуний босқичда** эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутади». Шундай қилиб, иқтисодиётимизга бундай куч-қудрат бағишлаш, юксалтириш натижасида, 2030 йилга бориб, янги турдаги товарларни ўзлаштириш асосида нефть-газ кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин, дея қайд этди мамлакат раҳбари.

Бу рақамлар иқтисодиётимизнинг айрим соҳаларидагина кўзда тутилаётган сакрашлар холос, агарда, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари айни талаб бўйича иш кўрса, фойда, даромад қай даражада ортажагини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Шундай омиллар негизида охир-оқибат 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробарга ошириш имкони вужудга келади.

Эътибор беринг, бу прогнозлар, рақамлар осмондан чалпак ёғишини кутиб, хаёлий идеаллар асосида айтилмаяпти, атайлаб бўрттириб шиширилмаяпти, энг муҳими, ташқи қарзлар, хорижий инвесторларнинг кўмагига таянилаётгани ҳам йўқ. Ақл ва мантиқ кучи билан, мавжуд имконият ва ресурслар, тараққиёт маромини, жаҳонда кечаётган иқтисодий бўҳрон ва унинг оқибатларини чамалаб, келгуси юз ва мингйилликлар учун асқотадиган, халқимиз фаровонлиги, жаҳон миқёсида ҳар томонлама доврўқ таратишга хизмат қиладиган аниқ бир йўл кўрсатилаяпти. Бу йўлнинг моҳияти, мақсади содда, аниқ ва равшан баён қилинди, энг асосийси, тезлик билан жадал суръатда мақсад сари интилиш учун шарт-шароит, вазият, муҳит аллақачон етилган. Юртдошларимиз, тадбиркорлар, ишбилармонлар, хуллас, бутун эл-улус бу ўзига хос чақириққа «лаббай» дея жавоб бериб, саъй-ҳаракатга зўр бераётгани ҳам ҳақиқат.

**Норқобил ЖАЛИЛОВ.**



# Сервис ривожида аёллар ўрни

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

**Дилноза НОМОЗОВА,** «XXI asr»

— Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ҳаммамизни баъзи минтақаларда содир бўлаётган воқеаларга теранроқ назар ташлашга ундаётир, **— деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова.** — Азиз опа-сингиллар, ҳаёт тарзи қачон барқарор изга тушишини манаман деган сиёсатчи-ю, таҳлилчилар ҳам айтиб беролмайдиган ўша ҳудудлардаги қалтис вазиятлардан келиб чиқиб, биз ўзимиз яшаб турган тинч-осойишта Ватанимиздаги бунёдкорлик ишларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Президентимизнинг мазкур маърузасида белгилаб берилган устувор йўналиш ва долзарб вазифалар том маънода тарихий аҳамиятга молик десак, муболаға бўлмайди. Ва бу, ўз навбатида, бизнинг партиямиз фаолияти, шу жумладан, «Аёллар қаноти» учун ҳам истиқболдаги дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Айтиш жоизки, партиянинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси натижасида кўплаб хотин-қизлар бандлиги таъминланди, уларнинг эркин фаолият юритишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари учун амалий кўникмалар берилди. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида гўзаллик салонлари, соғломлаштириш марказлари очилиб, кўпчилигига аёллар раҳбарлик қилаётгани янада қувонарлидир.

O`zLiDeP Дастурида тадбиркор ва ишбилармонлар фаолияти мамлакат ялпи ички маҳсулотида етакчи ўрин эгаллаши ҳамда фуқаролар фаровонлигини оширишда асосий омил бўлиш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шу боисдан Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими фаоллари томонидан изланувчан, ташаббускор, ишбилармон хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш, опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаш учун қатор лойиҳалар амалга оширилаётир.

— Бугунги давра суҳбати менда жуда катта таассурот қолдирди, — деди Бўка туманидаги «Машҳур Нур» МЧЖ раҳбари Барно Бойқараева. — Айни пайтда ташкилотларга шартнома асосида чойшаб жилдлари, махсус кийимлар тикиб беряпмиз. Қолаверса, ўзимиз ишлаб чиқарадиган кийим-кечакларни маҳаллий бозорларга ҳам чиқарамиз. МЧЖ таркибидаги ўқув-марказимизда ёшлар тўрт йўналишда ўқитилади. Келгусида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиш ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ниятидаман.

Тадбирда сўз олганлар амалга оширилаётган ислоҳотларда партия аъзолари ўзининг ташаббуси, янги ғоялари билан фаол иштирок этаётганлиги, қолаверса, бунда хотин-қизларнинг ҳам ўз ўрни борлиги алоҳида таъкидланди.

# Лизинг — фермерга катта имконият

«ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ» АКЦИЯДОРЛИК ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН 2015 ЙИЛДА ФЕРМЕРЛАРГА 14 МИЛЛИАРД 600 МИЛЛИОН СЎМЛИК 138 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори асосида фермерларга техникалар лизинг асосида етказиб берилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалигининг техника паркини янгилашда алоҳида аҳамият касб этаётир, **— дейди «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси Жиззах вилояти филиали директори Қодир Эшбеков.** — Мазкур ҳужжатда машина трактор паркларига, фермер хўжаликларига трактор ва ўрим-йиғим техникалари лизинг шартларига кўра, 15 фоизини бўнак сифатида тўлаш билан етказиб берилиши, 85 фоизи Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма томонидан қарз маблағлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилгани фермерларга катта қулайлик яратди. Филиалимиз ана шу имтиёзли шарт билан фермерлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарига «Т-7060», «ORION-630c», «ТС-6.140», «ТД-5.110» русумидаги ҳайдов тракторлари, «Dominator-130» ва «Tukano-320» русумидаги ғалла ўриш комбайнлари каби 54 турдаги қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бермоқда.

Зафаробод туманидаги «Ёруғлик» фермер хўжалиги лизинг шартномаси имкониятидан фойдаланиб, техника паркини мустаҳкамлаётган хўжаликлардан бири.

Дастлаб 5 гектар ерда иш бошлаган фермер бугун 90 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Ўтган йиллар давомида фермер пахта ҳосилдорлигини 28 центнердан 40 центнерга етказди. Ишни битта эски трактор билан бошлаган фермернинг бугун учта замонавий трактори, плуг, сеялка, борона ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари, «Isuzu» юк машинаси бор.

Фермер ўтган йили ғалла ва пахтадан 110 миллион сўмга яқин соф даромад олди.

— Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик лизинг асосида техника билан таъминлашда ҳам самарали бўлаётир, — дейди «Ёруғлик» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Ҳасанов. — Лизинг компанияси орқали имтиёзли қарз ҳисобига энг замонавий қишлоқ хўжалик техникаларига эга бўлишимиз белгиланган марраларга эришишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили лизинг шартномаси асосида «ORION» ҳайдов трактори харид қилдик.

Фермерларнинг лизинг компаниясига ишончи ортиб бораётир. Компаниянинг ҳудудий филиали жорий йилда лизинг техникалари турини яна олтитага кўпайтириш учун таъминотчи корхоналар ва фермерлар билан ҳамкорликда буюртма ҳужжатларини тайёрлаш устида иш олиб бормоқда.

**Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

# Депутатлик гуруҳи йиғилиши

Халқ депутатлари Кегайли туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши «Эркиндарё» овул фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

Унда мазкур гуруҳнинг ўтган йил давомида амалга оширган ишлари ва жорий йилдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Байрам Искандаров туман миқёсида олиб борилган ишларни таҳлил қилар экан, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламларига тушунтириш билан боғлиқ вазифаларга алоҳида тўхталди. Зеро, халқнинг дарди билан яшаш ҳар бир депутатнинг бурчи саналади.

Йиғилишда юқорида қайд этилган масалалар бўйича сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга депутатлардан атрофлича жавоб олишди.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

# АҚЛ-ЗАКОВАТ ВА МЕҲНАТ МЕВАСИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИ 2015 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2016 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ДАСТУРИЛАМАЛ СИФАТИДА КЕЛГУСИ ИШ ФАОЛИЯТИМИЗГА АСОС ҚИЛИБ ОЛИНМОҚДА. БУНГА БАХМАЛ ТУМАНИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИШ ЖАРАЁНИДА ЯНА БИР БОР ГУВОҲ БЎЛДИК.**



■ Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, «XXI asr»

Одатда, Бахмал деганда, йил бўйи виқорли чўққиларига қордан дўппи қўндириб савлат тўкиб турадиган тоғлар, боғу роғларга бурканган сўлим водий, чиройи такрорланмас қиру адирлар ва албатта, донғи етти иқлимга таралган «беш юлдуз» қирмизи олмалар кўз олдимизда гавдаланади. Ана шундай жаннатмонанд замин унда умргузаронлик қилаётган нуронийлари, миришкор боғбон деҳқонлари, қўли гул ҳунармандлари, лобар чеварлари, ёвқур чавандозлари, шоиру зиёлиларини улуғлайдиган — ширинсухан, бағрикенг, меҳмондўст, меҳнаткаш бахмалликлар билангина мазмуну моҳият, яхлит манзара касб этади. Зеро, табиат ато этган гўзал заминга зеб бераётган, гўзал бинолар бунёд этаётган, тиллога тенг тупроғидан мўлкўл ҳосил етиштириб, юрт дастурхонига тортиқ этаётган қўли қадоқ, кўнгли гул эл бу. Хуллас, халқимизга хос жамики ижобий фазилатлар мужассам бахмалликларнинг фақат ўзларига хос хислатлари ҳам кўп. Ёру дўстингизни йўқлаб, Бахмал томонларга йўлингиз тушиб қолса, нафақат қидирган одамингиз, балки ўзингизнинг ҳам уруғ-аймоғингиз, келиб-чиқишингиз, шажарангизни яхшилаб билиб қўйишни унутманг. Чунки Бахмалда салом-аликдан кейин суҳбат ибтидоси шундан бошланади.

Анъана бу сафар ҳам бузилмади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Бахтиёр Аҳмедов мақсадимни эшитгач, «домланинг ўғиллари» дея тилга тушган фермер хўжаликлари раҳбарлари, ака-укалар Ўктам, Рустам ва Фахриддиннинг бири билан учрашишни таклиф қилди.

— Энг фаол сафдошларимиздан бири, ишнинг кўзини биладиган, билимли, меҳнаткаш йигит. Халқимиз томорқаларида ҳам олма етиштиради. Об-ҳаво ноқулай келган йиллар ҳамма «Фахриддин қанча ҳосил олибди», деб қизиқадиган, шунга қараб ўз саъй-ҳаракатининг натижасини чамалайдиган фермерларимиздан, — дея таъриф берди Бахтиёр ака бўлажак қаҳрамонимизга.

Қисқача маслаҳатдан сўнг ака-укаларнинг кичиги — O`zLiDeP фаоли, «Домла Умрзоқ» фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Саримсоқовни излаб йўлга тушдик. Йўл-йўлакай Бахтиёр ака туманда аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари, айни кунлардаги иш жараёни ҳақида гапириб берди.

— Туманимизда айни кунларда фермерлар учун ижара мулки асосида ажратиладиган ер майдонларини мақбуллаштириш юзасидан олиб борилаётган жараён якунланиш арафасида. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисда Президентимизнинг айтган сўзлари бир қишлоқ хўжалик ходими сифатида шахсан мени жуда тўлқинлантирди, мушоҳадага ундади, — салмоқ билан сўз бошлаган Бахтиёр ака бирданига жонланиб кетди. — Фикримни оддий ҳаётий мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мисол учун, туманимизни олайлик. Гарчи сувимиз бир, еримиз умумий бўлса-да, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқлим хусусиятлари, тупроқ унумдорлигидаги фарқи, агротехник қонун-қоидалардан келиб чиқиб ишлов бериш йўналишлари бор. Бу ерлардан унумли фойдаланиш учун нима қилиш керак? Албатта, уларни оптималлаштириш керак. Чунки ҳар қандай фермер, у қанчалик серғайрат, билимли бўлмасин, катта ҳудуддаги ҳам боғдорчилик, ҳам чорва, ҳам ғалла, ҳам сабзавот экинларига ихтисослашган хўжаликни бирдек назорат қилиб, парвариш қилишга қийналади. Оқибатда бир соҳадаги қолоқликни бошқа соҳа ҳисобидан ёпишга тўғри келади. Агар шу ҳудуддаги шароитдан келиб чиқиб, самарадорлик ва рентабелликни ҳисобга олиб, янги фермер хўжаликлари ташкил қилинса-чи? Аминман, самара юқори бўлади. Қолаверса, ихчам, моддий-техник базаси шаклланган, энг муҳими, ишнинг кўзини биладиган одам раҳбарлик қиладиган фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликка айлантириб, маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш имкони юзага келади.

**— Бахтиёр ака, вилоятда бу йўналишда катта ишлар амалга оширилаётгани, бу жараёнда O`zLiDeРдан сайланган депутатларимиз, маслакдошларимиз ҳам фаол иштирок этаётганидан хабарим бор. Туманда бу борадаги ишларнинг натижаси қандай бўлди?**

— Ер майдонларини оптималлаштириш натижасида қолоқ, паст рентабелли фермер хўжаликлари тугатилиб, туманда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда 398 та янги фермер хўжалиги ташкил қилинди. Бугунга келиб ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик ва бошқа йўналишлардаги фермер хўжаликлари сони 1041 тага етди… Гап фақат сонда эмас, сифатда, албатта. Шу ўринда диққатингизни бир жиҳатга қаратсам. Фермер хўжаликлари учун ер майдонини ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилиб, унга мувофиқ ҳар бир фермер хўжалиги ҳақидаги қарор Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси бўйича халқ депутатлари туман кенгашлари томонидан қабул қилинди…

Гурунг билан манзилга етганимизни ҳам сезмай қолибмиз.

**— Халқимизда минг бора эшитгандан, бир бора кўрган афзал деган гап бор, бошқа мулоҳазаларни бевосита фермернинг ўзидан эшитасиз, — деб суҳбатга якун ясайди Бахтиёр ака.**

Бизни қаршилаган узун бўйли, истарали йигит билан кўришдик. Янги танишимиз, «Домла Умрзоқ» боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Саримсоқов камгап, оғир-вазмин, мушоҳадали, гапиришдан кўра бировни тинглашни хуш кўрадиган инсонлар тоифасидан экан. Қисқача савол-жавобдан маълум бўлдики, қаҳрамонимиз тумандаги Шодмон қишлоғида таваллуд топган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Дастлаб хўжаликда механик, кейинчалик тумандаги фермер хўжаликларининг бирида иш бошқарувчи бўлиб ишлаган. Акаси, «Шуҳрат» медали соҳиби, тумандаги «Нурдинор» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Саримсоқовнинг йўл-йўриқлари, кўмагига таяниб, 2001 йилда фермерлик фаолиятини бошлаган. Хўжалик тасарруфида 15 гектар ер майдони бор эди. Оптималлаштириш натижасида 5 гектар ғалла майдони қисқартирилиб, 10 гектар ер майдони қолдирилди. 9 гектари олмазор. Қолган қисмида эса ток ва мевали кўчат етиштирилади. Хўжаликда 4 нафар киши доимий ишласа, ҳосил чўғига қараб 15-20 нафаргача мавсумий ишчилар ҳам жалб қилинади. Қишлоқ мулкдори ҳозир «Агробанк»нинг туман филиалидан олинган 40 миллион сўм кредит маблағига ўз сармоясини ҳам қўшиб, истиқболли соҳалардан бири — балиқчиликни йўлга қўйиш тараддудида.

Фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг бир қисми бир пайтлар ташландиқ тутзор, бир қисми ғаллазор, яна бир қисми бедазор ва яйловдан иборат бўлган. Узоқ йиллар бир чақаям фойда келтирмаган, бироқ ҳисобот учун экин-тикин қилинган жойлардан бири бўлган. Бугун чиройли қилиб ишлов берилган, худди аскарлардек саф тортиб турган олма дарахтларини кўриб кўз қувнайди.

Суҳбат мавзуи боғдорчилик, бевосита олма мавзусига кўчди. Фермернинг кўзларида ўзгача ёлқин пайдо бўлиб, жонлангани сезилди. Ўз соҳасини чуқур биладиган, унга меҳр қўйган одамлар бошқа мавзуда камгап бўлсалар-да, унга қадрли бўлган соҳа ҳақида соатлаб гапириб беришларига сиз ҳам кўп бора гувоҳ бўлгандирсиз. Фахриддин ака ҳам ана шундай инсонлар тоифасидан экан. Суҳбат давомида айни кунларда қилинаётган дала ишлари, кўчатларга шакл беришнинг фойдали томонлари, яхоб суви бериш зарурлиги, чунки бу ниҳолларнинг эрта уйғонмаслиги, сув танқис кезларда намни сақлашига ёрдам бериш, қолаверса, чанглатиш, касаллик ва ҳашаротларга қарши курашиш, маҳаллий ва минерал ўғитлар бериш вақти ва аҳамияти ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, селекция борасидаги ишлар диққатимизни тортганини сезиб, фермер унга батафсил изоҳ берди.

Замин соҳибининг сўзларига қараганда, хўжаликда асосан «кремсон», «суперголь-ден», «коре» каби иқлим шароитига мос, серҳосил, сақлаш учун қулай олма навлари ўстирилаяпти. Навлар турли-туманлиги сабаби — ҳар бир навнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, об-ҳаво инжиқликларини ҳисобга олишга ҳаракат қилинган. Турли хил шароитда бу навлар бирининг ўрнини бири боса олади. Об-ҳаво қулай келса, уларнинг барчасидан мўл ҳосил олса бўлади.

Кўчат етиштиришда ҳам айни шу жиҳатлар билан бир қаторда саноатбоп узум навларини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

**— Фахриддин ака, асл деҳқон ёки боғбон учун иккинчи даражали ишнинг ўзи бўлмайди, деяпсиз. Албатта, ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз ўрни бор. Бироқ бир ҳудудда, бир хил шароитда меҳнат қилаётган фермерлар йил якунида турлича натижага эришади. Бунинг сабаби нимада?**

— Фермер ёки деҳқонларимизни билимсизликда, дангасаликда айблаш нотўғри бўларди. Амалга оширилаётган оптималлаштириш жараёни айнан шу камчиликларни бартараф этишга қаратилган, назаримда. Мисол учун, фермер хўжалигимизда 5 гектар ғалла майдони ҳам бор эди. Ҳам боғдорчилик, ҳам ғаллачиликни баравар ривожлантира оламан, деган инсон кам топилса керак. Ёки катта ер майдонига эга фермер ҳар бир қарич ерини яхши билади, ҳар бир ниҳол ёхуд кўчатни меҳр билан парвариш қила олади, дейиш ҳам муболаға бўларди. Қолаверса, фермерлик фақат дала-ю, экинга ишлов бериш дегани эмас. Ҳисоб-китоб, ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш, техникаларни созлаш, ишчи-хизматчилар ҳақида қайғуриш… Санайверсак, иш кўп… Замон талаби эса ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш эвазига даромад олишдан иборат, — шундай деб фермер бир оз тин олди ва секин қўшиб қўйди: — Бошқалар ишига баҳо беролмайман. Бироқ ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, билим, тажриба, меҳнат билан бирга кўнгилда ерга катта меҳр ҳам бўлиши керак. Сиз уни чинакам ардоқласангиз, қанча кўп парвариш қилсангиз, замин сиздан ҳеч қачон саховатини аямайди...

Бу сўзларга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки истиқлол йилларида аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ерга эгалик ҳисси шаклланди. Бугун далаларда бўлсангиз, фермерларнинг ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга интилаётганига шоҳид бўласиз. Дала шийпонларида парранда, асалари қутилари одатий ҳолга айланган.

Бахмалда фаолият кўрсатаётган фермернинг фаолияти билан танишиш жараёнида амин бўлдикки, ер ўз эгасини топса, қишлоқ мулкдори тупроқ билан тиллаша олса, ишнинг кўзини билса, она замин саховатини дариғ тутмайди. Дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлаверади. Амалга оширилаётган оптималлаштириш жараёни ҳам ана шундай фермерларимиз сони кўпайишига асос бўлиши шубҳасиз. Қишнинг чилласида ҳам бозорларимизда кўзни яшнатиб, дилни қувнатиб турган арзон ва табиий мева-ю сабзавотлар шундай инсонларнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилмоқда.

Юқорида баён этилганлар дунёда «ўзбек модели» сифатида тан олинаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси. Кимдир буни мўъжиза деб атамоқда. Дарҳақиқат, мўъжиза, бироқ ақл-заковат ва меҳнат билан яратилган мўъжизадир.

# Модернизация шарофати

**Вазирлар Маҳкамасининг «2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида «Навоийдонмаҳсулотлари» АЖда қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилаяпти.**

Жумладан, корхонанинг 2-тегирмон цехида 1 млрд. 246 млн. сўмлик маблағ сарфланиб, реконструкция ишлари бажарилди. 2 млн. 46 минг АҚШ долларига тенг хорижий технологик линия ўрнатилди. Бу эса 40 минг тонна бойитилган ун ишлаб чиқариш имконини бераётир. Шунингдек, корхонанинг 700 млн. сўм миқдоридаги ўз маблағи эвазига ишга туширилган янги, умумий ҳисобдаги олтинчи новвойхона эса аҳоли дастурхонини узлуксиз нон ва нон маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Корхонанинг лаборатория-синов маркази мудири Шамсиддин Ҳотамовнинг айтишича, модернизациялаш дастури асосида тажрибахонага ҳам янги технологиялар ўрнатилган. Уларни «устоз-шогирд» анъанаси асосида маҳоратини ошираётган ёшлар бошқарадилар.

**Ўз мухбиримиз.**
Навоий вилояти.

# Энг муҳими — оилалар фаровонлигига эришиш

**Андижонда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

■ Эльмира РАҲМОНОВА, «XXI asr»

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад аёлларнинг меҳнат бозорида мавқеини янада мустаҳкамлаш, халқаро кўргазмаларда иштирок этишига кўмаклашиш, бизнес соҳасига кириб келган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, соҳага доир қарор ва қонунлар билан яқиндан таништиришдан иборатдир.

— Юртимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — **деди «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раҳбари Гулнора Маҳмудова.** — Ҳозир тадбиркор аёллар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ички бозорни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, ёшларнинг шу соҳага қизиқиши ортаётгани қувонарлидир. Ўз бизнесини бошлаётган битирувчилар учун «устоз-шогирд» лойиҳаси асосида Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Андижон, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизлари тадбиркорликка кенг жалб этилиб, ўқитиш, малакасини ошириш орқали қўллаб-қувватланаётир. Мазкур лойиҳа доирасида ўтган йили вилоятлардан салкам 900 нафар битирувчи аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарда амалиёт ўтаб, ушбу соҳанинг сир-асрорларини ўрганишди. Натижада 400 та янги иш ўрни яратилиб, 45 нафари ўз бизнесини йўлга қўйди.

Тадбирда уюшма мутахассислари ва кичик бизнес вакиллари аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида фикр алмашишди.

— Ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган семинар-тренингларда хотин-қизларга бухгалтерия ҳисобидан бизнес-режа ишлаб чиқиш, корхонани рўйхатдан ўтказиш, экспорт-импорт операциялари, божхона, солиқ тизимлари билан ишлашгача бўлган жараёнларда амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди «Агропродукт экспорт агрофирма» МЧЖ раҳбари, O`zLiDeP фаоли Одинахон Саидова. — Аёл тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланиши оилалар фаровонлиги юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

# ТОШЛОҚДА ФРАНЦУЗ ЭЧКИЛАРИ БОҚИЛЯПТИ



**Тошлоқ туманидаги «Ўзбегим даласи» фермер хўжалигида эчкичилик йўлга қўйилди. Маълумки, бу жониворлардан сут, гўшт, тивит маҳсулотлари олинади. Эътиборлиси, сутидан тиббиёт, парфюмерия саноатида кенг фойдаланилади. Демак, чорвачиликнинг мазкур йўналиши ҳам истиқболлидир.**

**— 2013 йилда Францияда бўлиб, фермерларнинг эчки парваришлаш, маҳсулот тайёрлаш технологияларини ўрганиб келдим, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Равшанжон Ширяев. — Ҳозир 70 бош эчки боқаяпмиз. Икки маҳалладошимизни иш билан таъминладик.**

**Эътиборли жиҳати, қишлоқ мулкдори франциялик фермерлар билан мунтазам алоқа ўрнатган. Яқин орада яна 300 бош наслли эчки келтириш мўлжалланяпти. Натижада яна 3 та янги иш ўрни яратилади.**

Ўз мухбиримиз. Фарғона вилояти.

## ҲИКМАТДИР ДУНЁ...

**Кечириш ва унутиш яхши кишиларнинг қасосидир.**
Иоганн Шиллер.

* * *

**Соғлом фикрлардан кучли ҳаракатлар туғилади.**
Шекспир.

* * *

**Шундай одамлар борки, улар сувга тушган хасдек ҳеч бир мақсадсиз дунёдан ўтиб кетадилар; улар сузмайди, оқим уларни олиб юради.**
Сенека.

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



«XXI ASR» 5 (637)-son, 2016-yil 4-fevral, payshanba

# Ваколат ва имкониятлардан қай даражада фойдаланилмоқда?

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БУГУНГИ КУНДА ҚАРИЙБ 41 МИНГ МАСЛАКДОШНИ ЎЗ АТРОФИГА БИРЛАШТИРГАН 765 ТА O`zLiDeP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ ЮРИТЯПТИ

■ **Беҳзод ИСРОИЛОВ,** «XXI asr»

Бошқача айтганда, бу ҳудудда ҳам партиямизнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, сайловчиларни ташвишлантираётган масалаларни аниқлаш, ўрганиб чиқиш ва ҳал қилиш, қисқаси, Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун имкониятлар етарли. Шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, ўтган йил аввалида Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарорига биноан партиямиздан сайланган депутатларнинг жойлардаги бошланғич ташкилотларга бириктирилишидан биринчи навбатда электоратимиз вакиллари манфаатдор бўлди, дейиш мумкин.

Ана шу ташаббус БПТ ва депутат ҳамкорлигининг янги босқичга кўтарилиши, партия фаолияти самарадорлиги янада ортишига туртки берди. Хусусан, таянч бўғинларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига халал бераётган айрим камчилик ва нуқсонларни «БПТ – партия юқори ташкилоти – депутат» механизми воситасида бартараф этиш борасидаги ишлари анча жонланди. Масалан, ўтган йили вилоятдаги тегишли ташкилотларга жами 257 та депутатлик сўрови йўлланди, 78 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди ва 30 дан зиёд назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Уларнинг қарийб учдан бир қисми БПТлар томонидан кўтарилган масалаларга тааллуқли эканини алоҳида қайд этиш жоиз.

Шу ўринда партия тузилмалари ва депутатлар мулкдорлар манфаатлари билан боғлиқ айрим масалаларга тегишли идоралар эътиборини жалб қилишга ва улар ишбилармонлар фойдасига ҳал қилинишига муваффақ бўлгани ҳақидаги бир мисолни тилга олиш мақсадга мувофиқ.

Ўрта Чирчиқ тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида (ҳозир туман «Ягона дарча» маркази) фаолият юритаётган БПТга «Dorul-ixlos» МЧЖ вакиллари мурожаат этганди. Тадбиркорлар туман солиқ идораси томонидан ўтказилган текширув хулосалари асосли эканлигига шубҳа билдиришди. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра шикоят ўрганилиб, босқичма-босқич тарзда партия вилоят ташкилоти, депутатларга олиб чиқилди. Уларнинг сўровлари асосида тегишли давлат органлари мазкур масала билан атрофлича шуғулландилар. Пировардида туман давлат солиқ инспекциясининг хусусий корхонага нисбатан чиқарилган қарорига жиддий ўзгартиришлар киритилди, шу тариқа ишбилармон фаолиятига қўйилган тўсиқлар олиб ташланди. Шунингдек, Оққўрғон туманидаги «Sagdiana fish» фермер хўжалиги, Зангиота туманидаги «Фирдавс махсуд файз» МЧЖ ва бошқа ўнлаб субъектлар ҳам партиямизнинг сайловларда берилган ваъдаларни бажаришга астойдил киришганига ишонч ҳосил қилдилар.



**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ПАРТИЯНИНГ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА БОШҚА ФАОЛЛАРГА ПАРТИЯВИЙ, СИЁСИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ, ИЛҒОР ФИКРЛАЙДИГАН, ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ, ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ПАРТИЯ РАҲБАР КАДРЛАРИ ЗАХИРАСИНИ ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАРИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ O`ZLIDEРНИНГ БОШ ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ».**

O`zLiDeP Уставидан

Шу билан бирга қуйи бўғинлар саъй-ҳаракати билан талай масалалар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари, доимий комиссиялар йиғилишларида кўрилди ва кўрилаётир. Масалан, Ангрен шаҳридаги «Оромнон» МЧЖ фаоллари томонидан шаҳарда бирорта ҳам китоб дўкони ёки кутубхона мавжуд эмаслиги муаммоси кўтарилди. Маслакдошларимиз тадбиркорларни мазкур соҳага жалб этиш, уларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан бир неча таклифни ҳам илгари сурдилар. Дарҳақиқат, мафкуравий таҳдидлар кучайган даврда бу жуда долзарбдир. Орадан кўп ўтмай, мазкур масала халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясига киритилди. Сўнгра шаҳар ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди.

Бундай ижобий натижалар депутатлар, партия кенгашлари ҳамда қуйи бўғинларнинг тинимсиз изланиши, жонкуярлиги, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари эвазига юзага чиқаётир. Аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки депутат ўзи кўтариб чиқаётган муаммони ниҳоятда пухта билиши керак. Бироқ унинг якка ўзи масалага тааллуқли барча маълумотларни тўплаши, тартибга солиши, ўрганиб чиқиши мушкул. Бу борада унга партия маҳаллий кенгаши ва бошланғич ташкилотларгина ёрдам бериши мумкин. Бинобарин, партия таянч тузилмалар фаолияти қанчалик такомиллашса, шунча яхши. Шу маънода партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлари катта аҳамият касб этаётир. Машғулотларда депутатлар ҳам ўз маърузалари, бошланғич ташкилотлар ишини янада жонлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялари билан фаол қатнашяптилар.

Ўтган йил давомида вилоятда 42 та янги қуйи бўғинга асос солингани, 515 нафар тадбиркор, 20 нафар фермер партия сафига киргани ҳам ҳамжиҳатликнинг амалий ҳосиласидир. Янги бошланғич ташкилотларнинг 28 таси фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иш олиб бораётганлиги тарғибот ишлари, айниқса, партия электорати вакиллари орасида қизғин олиб борилганини кўрсатади.

2015 йили партия таянч нуқталари ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда 250 дан зиёд турли тадбир уюштирганликлари, уларнинг аксариятига вилоят ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар жалб қилинганини ҳам тилга олиш лозим. Умуман, вилоятда БПТ, партия маҳаллий кенгашлари ва депутат ҳамкорлиги борган сайин мустаҳкамланиб бораяпти, деб айтиш мумкин. Масалан, Соғлом она ва бола йили муносабати билан яқинда O`zLiDeP Ангрен шаҳар кенгаши совринлари учун бадиий гимнастика бўйича мусобақа ўтказилди. Келгуси ойда қатор туманлардаги хусусий клиникалар томонидан ёш оналар ва уларнинг фарзандларига бепул тиббий кўриклар уюштирилиши мўлжалланаяпти. Шунингдек, жойларда ўтказилаётган партиявий лойиҳалар, кўрик-танловларни ҳам БПТлар фаолиятидан айри тасаввур қилиш қийин.

Баён этилган натижаларга қарамай, партия кенгашлари, депутатлар ва БПТлар фаолиятида фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини ҳам таъкидлаш керак. Ҳозирда вилоятда 3739 тага яқин фермер хўжалиги, 4467 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш юритаётгани эътиборга олинса, электорат ичига янада чуқурроқ кириб бориш учун ҳали кўп ишлар амалга оширилиши зарурлиги ойдинлашади. Айниқса, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Бекобод туманлари партия кенгашлари ва улар таркибидаги бошланғич ташкилотлар ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш, хусусий сектор манфаатлари ифодаланиши бўйича амалий ишларни кўпайтиришга янада масъулият билан ёндашишлари тақозо этилмоқда.

# Камолот чўққилари сари

**Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.**

Дарҳақиқат, вилоятимизда ҳам спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида амалга оширилган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Уларнинг барчаси соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Масалан, Бухоро шаҳридаги «Нафис» спорт мажмуасида 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган 300 нафарга яқин қиз бадиий гимнастика билан шуғулланиб, камолот чўққилари сари талпинишмоқда.

Мажмуада ташкил этилган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзолари партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда яқин атрофдаги корхона, ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришаяпти. Ўзаро мулоқотларда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти, партия фаолларининг шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари хусусида ҳам сўз юритилаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар қуйи бўғин аъзоларининг кейинги фаолиятида дастурламал бўлиб хизмат қилади.

БПТ аъзоларидан Зилола Ёдгорова, Меҳригиё Ҳамроева, Шамшод Бафоев, Бекзод Муҳаммадиев ва бошқалар бажарилиши лозим энг муҳим вазифаларни белгилаб олдилар. Уларни рўёбга чиқаришда ҳаммаслаклар O`zLiDeP вилоят ва Бухоро шаҳар ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгашдаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи кўмагига таянадилар.

**Азизбек СОДИҚОВ,**
**«Нафис» спорт мажмуаси директори, Бухоро шаҳар кенгаши депутати, БПТ раиси.**

# Хўжайлида ҳаммаслаклар кўпаймоқда

**O`zLiDeP Хўжайли туман кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар ва фермерлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган партиявий тадбирлари кутилган ижобий натижаларни беряпти. Таянч тузилмалар 87 тага етгани, партия аъзолари сони 2000 дан ошгани ҳам бунга мисол бўла олади. Хусусан, яқинда тумандаги «Рустам-Хўжайли» фермер хўжалигида янги қуйи бўғин иш бошлади.**

**— Бошланғич ташкилотимиз 5 нафар қишлоқ мулкдорини бирлаштирди, — дейди янги БПТ етакчиси Баҳодир Худайбергенов. — Билдирилган ишончни теран англаган ҳолда, O`zLiDeP мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий майдонда қизғин фаолият юритаётгани тўғрисидаги ташвиқот ишларини ўтказишга ҳозирлик кўраяпмиз. Айни вақтда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган айрим нуқсонларни очиқ-ошкора муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этишга кўмаклашишни ҳам асосий вазифа сифатида белгиладик.**

**Партия туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Отабек Қиличовнинг маълум қилишича, янги қуйи ташкилотга зарур ёрдам ва маслаҳатлар берилаяпти. Жумладан, БПТ бурчаги тегишли қўлланма, адабиёт ва жиҳозлар билан таъминланди.**

Ўз мухбиримиз.

# Сафдошларимиз ҳиммати

**Партиямиз бошланғич ташкилотлари, ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ўз ваколат ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Соғлом она ва бола йилидаги вазифалар ҳаётга татбиқ этилишига зиммаларидаги энг муҳим ишлардан бири сифатида ёндашаяптилар.**

**Мисол учун, яқинда Қува туманидаги сафдошларимиз — тадбиркорлик субъектларидаги БПТлар етакчилари ва халқ депутатлари туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари аёлларнинг маиший шарт-шароитини янада яхшилаш, уларнинг меҳнатини енгиллатишга қаратилган ташаббус билан чиқишди. Яъни, жорий йил давомида ҳомиладор келинлар, ёш болали аёлларга зарурий уй-рўзғор буюмлари, техник жиҳозлар ҳадя этиб борилади.**

**Дастлабки туҳфа — кир ювиш машинаси ва газ плитаси «Қува» МФЙда яшовчи ёш келин Гулноза Сайфиддиновага топширилди.**

Фотима КАРИМОВА, «Қува» МФЙ ҳудудидаги БПТ раиси.

# Жонли мулоқот

**Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб номланиши муносабати билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида фаолият юритаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Мулоқотда қуйи бўғиннинг 257 нафар аъзоси, партия шаҳар ва вилоят ташкилотлари масъул ходимлари, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи вакиллари, маҳаллалардаги фаол хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари иштирок этдилар. Тадбирда шаҳар тиббиёт бирлашмаси саломатлик маркази мутахассислари мавзу юзасидан қатнашчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.**

**— Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Айниқса, қизларнинг лаёқат ва иқтидори рўёбга чиқарилишига катта эътибор қаратилаётир. Афсуски, баъзи қизларимиз ота-оналарининг енгил-елпи ҳою ҳаваслари туфайли ана шу имкониятлардан маҳрум бўлаётир, — дейди қуйи бўғин етакчиси Мавжудахон Хурсанова. — Балоғат ёшига етмай турмушга чиққан қизларнинг қандай яшаётганлиги, хусусан, руҳий ва жисмоний саломатлигига путур етаётганлиги, кўп ҳолларда болалари ҳам соғлом эмаслигини кўпчилик кўриб-билиб турибди. Шу боис маслакдошларимиз билан бирга маҳаллаларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, тиббий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш сингари масалалар бўйича изчил тарғибот ишларини олиб боришга келишиб олдик. Таъкидлаш жоизки, бу борада ота-оналар, МФЙлари маслаҳатчилари, мактаб ва коллежлар ўқитувчи-мураббийларининг баҳамжиҳат ишлаши тақозо этилаётир.**

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

***ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗНИ 2015 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2016 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ЖОЙЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА. УНДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР БУТУН ХАЛҚИМИЗ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЎЗ ОЛДИГА УЛКАН МАҚСАДЛАРНИ ҚЎЙГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЧУН ҲАМ ЎТА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР. МУХБИРИМИЗНИНГ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ РАИСИ СОҒИНДИҚ ТУРМАНОВ БИЛАН СУҲБАТИ ҲАМ БЕВОСИТА АНА ШУ МАСАЛАГА ҚАРАТИЛДИ.***



# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

**— Авваламбор, давлатимиз раҳбарининг дастуриламал маърузасида белгиланган устувор йўналишлар ўз электорати олдида мавқеини тобора мустаҳкамлаётган O`zLiDeP учун алоҳида аҳамият касб этади, тўғрими?**

— Худди шундай. Зеро, бизнинг партиямиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб беришни мақсад қилган сиёсий тузилмадир. Муҳтарам Президентимиз ўз маърузасида бугунги куннинг «ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқни кўзлайдиган кенг кўламли Дастури чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилгани»ни таъкидладилар. Ва давлатимиз раҳбари эришилган улкан марралар билан бир қаторда айрим йўналишлардаги фаолиятимизга танқидий нигоҳ ташлашимиз, йўл қўйилган камчиликларни изчил бартараф қилиш кераклигини уқтирдилар. Масалан, акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқаруви, бу борада жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш соҳасида туб бурилишга эришишимиз зарур. Бу борада белгилаб берилган муҳим марраларни эгаллаш, барчамиз, биринчи навбатда, партиямиз олдидаги долзарб масалалардан бири саналади.

**— Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганида партиямиз электоратининг муносиб улуши бор. Айни пайтда умумий ишимизга янада юксак суръат, сифат, савия бахш этишимиз керак эмасми?**

— Хулосангиз жуда ўринли. Кўп қиррали фаолиятимизни юксак поғонага кўтариш билан бир қаторда унинг доимий равишда, ҳар куни, ҳар соатда юқори савияда боришига эришишимиз зарур. Бунинг учун, энг аввало, партиямизнинг фаол аъзолари сонини кўпайтиришимиз талаб қилинади. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига Қорақалпоғистонда партия аъзоларининг сони 14784 нафарга етди. Улар 700 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Бошқача айтганда, «Кексаларни эъзозлаш йили»да аъзоларимиз сони 1254 нафарга, БПТлар сони 26 тага кўпайди. Ҳудудимиздаги партия аъзоларининг 1727 нафарини тадбиркор ва ишбилармонлар, 1792 нафарини фермерлар, 5335 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ана шу 5335 нафар аёл ичида мулкдорлар ҳам, муаллималар ҳам, зиёлилар ҳам, навқирон мутахассислар ҳам бор. Аъзоларимизнинг 7 мингдан зиёди ёшлардир. Уларнинг тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига қизиқишини янада кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш диққат марказимизда турибди.

**— Давлатимиз раҳбари ҳукумат мажлисидаги ўз маърузасида «пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассислар»нинг «мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш», кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, замонавий сервис соҳасини ривожлантиришдаги иштирокини кучайтириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Бу борада амалга оширилаётган партиявий ишларга қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Ёшлар юртнинг келажагидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Ёш олимлар ва мутахассислар», «Хавфсиз интернет» каби лойиҳаларда минглаб йигит-қизларимиз фаол қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, «Ёшлар қаноти» томонидан 2015 йилда ташкил этилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида шаҳар ва туманлардан саралаб олинган 80 нафардан зиёд ёш бизнес режаси билан қатнашиб, фаол иштирокчилардан 30 нафарига тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиб берилди. Бундан ташқари, «Ишбилармон талаба» стипендияси учун ўтказилган танловнинг 2015 йилги Қорақалпоғистон Республикаси босқичида жойларда ғолибликни қўлга киритган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 45 нафар талабаси иштирок этди. Унда Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси Ш. Фарҳодова биринчи, 1-сонли Нукус тиббиёт коллежи талабаси А. Илҳомова иккинчи, Чимбой қурилиш ва иқтисодиёт коллежи талабаси М. Базарбаев учинчи ўринга муносиб топилиб, 2015-2016 ўқув йили давомида партия томонидан тўланадиган стипендия совриндори бўлишди.

**— Жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишларда турли бўғин депутатларининг иштироки, таъсири, ҳиссаси янада сезиларлироқ, самаралироқ, салмоқлироқ бўлиши зарур.**

— Тан олиш керакки, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз фаолияти ҳали биз кутган савияга кўтарилгани йўқ. Президентимиз маърузасини ўрганиш, ундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни муҳокама қилиш, устувор йўналишларни белгилаш чоғида биз бу масалага алоҳида эътибор берамиз. Партиямизнинг асосий таянчи ва суянчи — тадбиркор ва ишбилармонларнинг муаммоларини жойларда ўрганиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўтган йили партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик гуруҳи томонидан тегишли идораларга 359 та депутатлик сўрови юборилиб, мансабдор шахсларнинг 193 та ахбороти тингланди. Депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 2 та таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясига ва 16 та таклиф халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари сессияларига киритилди. Маълумот тариқасида айтиб ўтиш керакки, Олий Мажлисда 3 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 25 нафар, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларида 147 нафар депутатимиз тўлақонли фаолият кўрсатмоқда.

**— Вазирлар Маҳкамаси мажлисида «Соғлом она ва бола йили» учун мўлжалланган мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада партиянинг қуйи бўғинлари қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка жалб этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида партиянинг «Аёллар қаноти» самарали ишлар олиб бормоқда. Опа-сингилларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги, маданиятини янада юксалтириш, партиявий лойиҳаларга жалб этиш, партиянинг ғоявий дастурларини тарғибот этиш ва аъзолар сонини янада орттириш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказиляпти. Биргина «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида 2014 йили 372 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, 2015 йилда лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 17 аёлга 435 млн. сўм миқдорида кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Чунки, ўтган йилларга солиштирганда, партияга аъзо аёллар сони ва уларнинг лойиҳаларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Бу «Аёллар қаноти» томонидан олиб борилаётган изчил ишлардан бир нишонадир. Бундан ташқари, «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Фермер аёллар» каби лойиҳалар ижросини жорий йилда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарамиз.

Жорий йилга «Соғлом она ва бола йили» деб ном берилиши онага, аёлга, айниқса, жамиятимиз эртасини белгилаб берадиган муҳтарама қизларимизга бўлган катта эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди. Биз Президентимизнинг ҳукумат мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб партиявий-ташкилий ишлар, БПТ, «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти», умуман, партиянинг барча бўғинлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга ҳаракат қиламиз.

**«XXI asr» мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.**

## Тарғибот тадбирлари режаси ишлаб чиқилди

O`zLiDeP НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2015 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2016 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАЛАРИНИ ЎҚИБ-ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

Айни кунларда жойларда турли учрашув, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, «Гўзал» тез тиббий ёрдам марказида ташкил этилган мулоқотда шу мавзуларда сўз юритилди.

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Наргиз Халилова йиғилганларга янги қабул қилинган қонунлар ҳақида ахборот бериб, Юртбошимиз маърузаларида баён этилган асосий масалаларга эътибор қаратди. Жумладан, Наманган шаҳрида ҳам 2015 йилда 648 та янги кичик бизнес субъектлари очилгани, уларнинг саноатдаги улуши 64,1 фоиз, хизматларда 56 фоиз, аҳоли бандлигида 82 фоизни ташкил этганини алоҳида таъкидлади.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати, «Зафар келажак» спорт-сервис МЧЖ директори Азимжон Нурматов эса Соғлом она ва бола йилида амалга ошириладиган кенг кўламли ишларга тўхталиб, қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан тиббиёт ходимлари зиммасида турган вазифалар ҳақида ўз таклифларини билдирди.

O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Рустамжон Ҳакимов АҚШда фаолият юритаётган Гэллап институти ўтказган ижтимоий сўров натижаларига кўра Ўзбекистон 141 та мамлакат ўртасида 42-ўринни эгаллаганлиги, бугунги барча ислоҳотларнинг самарадорлиги биринчи навбатда юртимизда тинчлик-осойишталикнинг барқарорлиги билан боғлиқ эканлигини фахр билан тилга олди.

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Матбуот хизмати.**

# ҲУДУДЛАРДАН хабарлар

## Жамоатчилик экспертизаси

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, унинг рақобатдошлигини оширишга оид қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси» партиявий лойиҳаси доирасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун лойиҳаси бўйича амалий мулоқот ўтказилди.**

Тадбирнинг асосий мақсади мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, меҳнат муносабатларидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини таҳлил қилишдан иборат бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари Зафар Ханиязов ва Қутлимурат Бабашев айни масалалар бўйича маъруза қилиб, йиғилганларни «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан таништирдилар.

Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсияларини, 20 дан зиёд чет эл, шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив базани такомиллаштиришга қаратилган.

Маърузаларда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Ўтказилган муҳокама чоғида қонун лойиҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳамда бошқа органларнинг меҳнат шароитларига риоя этиш устидан назорат қилинишини таъминлаш борасидаги функциялари ва вазифалари қонун лойиҳасида аниқ белгилаб қўйилаётганлиги қайд этилди. Шунингдек, қонун лойиҳасида иш берувчи ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, хотин-қизлар, вояга етмаган шахслар, пенсия ёшидаги, меҳнат қобилияти чекланган шахсларнинг манфаатини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилган.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

## Бухорода «Ёш лидерлар» клуби

**O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши саъй-ҳаракати билан «Ёш лидерлар» клуби иш бошлади. Айни пайтда унинг машғулотларида вилоятдаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 50 нафар иқтидорли талаба иштирок этаяпти.**

Ёшлар билан ишлаш бўлими қошида ташкил этилган мазкур клубнинг илк машғулотида «O`zLiDeP: кеча ва бугун» мавзусида атрофлича сўз юритилди.

Изланувчан, ташаббускор ёшлар ҳузурида сўзга чиққан партия вилоят кенгашининг раиси, халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати Фармон Аминов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, жумладан, O`zLiDePнинг ташкилий тузилмаси, Дастури ва Сайловолди платформаси ҳақида кенг маълумот берди.

— Ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўз интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишида бундай машғулотларнинг аҳамияти катта, — дейди Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси Файзиддин Темиров. — Клубимизнинг кўп сонли аъзолари қатори келгусида мен ҳам O`zLiDeP сафида фаолият олиб боришни, барча режаларимни ана шу партиянинг мақсад ва вазифалари билан муштарак ҳолда амалга оширишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Дарҳақиқат, вилоятда ана шундай шижоатли ёшлар партия сафларини янада кенгайтирмоқда. Хусусан, айни пайтда Бухорода O`zLiDePнинг 13113 нафар аъзоси бўлса, уларнинг 6495 нафари 35 ёшгача бўлган навқирон авлод вакилидир. Бу эса ёшларнинг O`zLiDeP ғоя ва мақсадларига ишончи мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Клуб аъзолари вилоятдаги бир қатор корхона ва ташкилотларда ташкил этилган 575 та партия қуйи бўғини ҳамда уларнинг асосий вазифалари бўйича ҳам кенг тушунчага эга бўлишди. «Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга» тамойилининг амалдаги ифодаси БПТлар ишида аниқ кўзга ташланиб турибдики, бу борадаги партиявий фаолиятнинг янада жонлантирилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, дея таъкидланди машғулот давомида.

Машғулотларда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро ҳудудий бўлинмаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Жасур Болтаев ҳам сўзга чиқиб, кун тартибидаги масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ўзаро савол-жавоб, қизғин баҳс-мунозара, жонли мулоқот тарзида кечган «Ёш лидерлар» клубининг машғулотлари ана шундай кўтаринки руҳда давом этишига ишонамиз. Зотан, ёшлар ўртасида либерал-демократик ғояларни тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва касбий тайёргарлигини ошириш ва кадрлар захирасини шакллантириш «Ёш лидерлар» клубининг асосий мақсадларидан биридир.

**Асхор ИСТАМОВ.** Бухоро вилояти.

## Экологик назоратнинг ҳуқуқий тизими

**Навоий вилоятида ҳам кенг жамоатчиликни, хусусан, саноат, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектлар вакилларини экологик хавфсизлик борасидаги норматив-ҳуқуқий асослар билан таништириш, табиатни асраб-авайлаш маданиятини оширишга қаратилган ишлар тизимли равишда олиб борилаяпти.**

Яқинда вилоят ҳокимлиги, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмитаси, адлия ва ички ишлар бошқармалари, «Саноатгеоконтехназорат» инспекцияси Навоий минтақавий бўлими ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари иштирокида «Навоий вилоятида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш соҳасида давлат ва жамоат экологик назоратининг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар ўтказилди.

Тилга олинган ташкилот ва идоралар масъул ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида тасдиқланган «Идоравий экологик назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида», «Ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида» ва бошқа намунавий низомларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритдилар. Шунингдек, «ЙҲХБ ходимлари томонидан транспорт воситалари устидан амалга оширилаётган экологик назорат», «Саноатгеоконтехназорат» инспекцияси бўлинмалари ходимлари томонидан экология соҳасида олиб борилаётган ишлар» мавзуларига оид чиқишлар қилинди.

Тадбир чоғида қатнашчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди.

**Мансур АСЛОНОВ.** Навоий вилояти.

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР ВА МУТАНОСИБ РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭРИШИЛАЁТИР. БУ БОРАДА, ШУБҲАСИЗ, СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА



Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги қарори айнан солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунга мувофиқ жорий йилдан бошлаб мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун фойда солиғини рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда, яъни рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда — 7,5 фоиз, 20 фоиздан юқори бўлганда фойда суммасига — 50 фоиз ставкада солиқ тўлаш тартиби белгиланди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда 4 поғонали шкала тартиби сақлаб қолинди. Бунда солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан (2016 йил 1 январь ҳолатига 130240 сўм) келиб чиқиб ҳисобланадиган бўлди. Бошқача айтганда, даромад солиғининг 2 шкаласи бўйича солиқ ставкаси 1 фоизга камайтирилди. Мақсад аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини янада кенгроқ ва тўлароқ қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Хизматлар кўрсатувчи барча микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, солиқ ставкасининг камайтирилиши натижасида тадбиркорлик енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Бу эса, ўз навбатида, транспорт корхоналари учун қўшимча қулайликлар яратиб, уларнинг ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги «Текстиль саноати корхо-

СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 114-МОДДАСИГА АСОСАН КИРИМ ҚИЛИНМАГАН ТОВАРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ЖАРИМА ЕНГИЛЛАШТИРИЛИБ, ЖАМИ ТОВАРЛАР СУММАСИНИНГ 100 ФОИЗИ МИҚДОРИДАН 20 ФОИЗИГА (БЕШ МАРТАГА) КАМАЙТИРИЛДИ. БУНДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЭНДИ БОШЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЭРКИН ИШ ЮРИТИШИ УЧУН ЗАРУР ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ ЯРАТИШДАН ИБОРАТДИР.

субъектлари ихтиёрида 4,5 млрд. сўм маблағ қолиши кутилмоқда. Шунингдек, автомобиль хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналарга ходимларнинг йиллик ўртача сонини 25 нафардан 50 нафаргача оширган ҳолда, кичик бизнес субъектлари учун белгиланган имтиёз ва наларини тезкор ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида барча тўқимачилик корхоналари 2018 йил 1 январга қадар мол-мулк солиғидан озод қилинди. Таъкидлаш жоизки, илгари ушбу солиқ имтиёзлари ишлаб чиқаришдаги маҳсулот экспорти улуши 80 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарга татбиқ қилинган бўлса, 2016 йил 1 январдан бошлаб тармоқдаги барча корхоналар учун жорий этиладиган бўлди. Ушбу имтиёз натижасида вилоятимиздаги биргина «Uztex Shovot» МЧЖ қўшма корхонасида жорий йилда 750,0 млн. сўм маблағни тежаш имкони туғилади. Ушбу маблағлар, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилиши муқаррар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси туманларда ўртача 15 фоизга индексация қилинди ва бу мол-мулкнинг қайта баҳолаш қийматига нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгиланди. Мол-мулкнинг инвентаризация қийматидан келиб чиқилган (3 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдордан) ҳолда солиқ ҳисоблаш тартиби жорий қилинди. Шу билан бирга бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар-жой ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 1,8 фоиз миқдорида белгиланди.

Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан кирим қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жарима енгиллаштирилиб, жами товарлар суммасининг 100 фоизи миқдоридан 20 фоизига (беш мартага) камайтирилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ўз фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорлик субъектларига эркин иш юритиши учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишдан иборатдир.

Уяли алоқа компанияларидан абонентлик рақамларидан фойдаланганлик учун олинадиган тўлов миқдори ҳар ой учун 1500 сўм миқдорида белгиланди ва мазкур маблағларнинг 80 фоизи (2015 йилда 70 фоиз) абонент рўйхатга олинган ҳудуднинг маҳаллий бюджетига йўналтирилади. Ана шу ҳисобдан 2016 йилда маҳаллий бюджетга 8,4 млрд. сўм қўшимча маблағ тушиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, соҳа учун зарур хомашё ва материаллар харид қилиш, киритилган инвестицияларни қоплаш учун йўналтирилади. Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2018 йилга қадар узайтирилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда солиқ сиёсати йил сайин такомиллаштирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, кичик ва хусусий тадбиркорликни изчил барқарор ривожлантириш, пировардида аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборатдир.

**Х.РАҲМАТОВ,**
**Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси.**



# Ўзбегим адраси

**Юртимиз азалдан камалакдек сержило атлас ва адрас матолари билан етти иқлимга машҳур. Ипи табиий ипакдан, арқоғи қалин ипдан тўқиладиган адрасни «ипаклар подшоси» дейишган.**

■ **Рисолат МАДИЕВА,** «XXI asr»

— Йигирма йилдан бери адрас тўқиш билан шуғулланаман, — дейди марғилонлик ҳунарманд Аъзамжон Мамажонов. — Дастгоҳда ўтириб мато тўқиш нозик дидлиликни талаб этади. Кўзингиз билан ипларни ўз ўрнига тушишини кузатиб туришингиз лозим. Чунки иплар алмашиб қолса, гул юзага чиқмайди. Гуллар, нақшлар эса табиат манзараларидан олинади.

Уста-ҳунарманднинг айтишича, адрас тайёр газлама ҳолига келгунича 18-20 кишининг қўлидан ўтади. Ишқорчи, бўёқчи, абрбанд, давракаш, гулавардор, тўқувчи, дизайнер... Баъзи жойларда бутун маҳалла аҳли шу иш билан шуғулланади. Маҳалладаги биринчи уйга тўқиш учун юклатилган ип ва арқоқ охирги уйдан тайёр газлама бўлиб чиқади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида деярли унутилаёзган ушбу миллий матонинг бугун яна эъзоз топиб, шуҳрат қозонишида устоз ҳунарманд Фазлиддин Дадажоновнинг ўрни беқиёс. Адраснинг ўттизга яқин қадимий нусхаларини қайта тиклаб, қирққа яқин муаллифлик иши яратган ҳунарманд, таъбир жоиз бўлса, ҳаётини шу ишга бағишлади. Баъзан музейларга бориб, ипак матолардан тикилган момомерос нимчалар, кўйлак ва чопонлардаги ҳар бир элементни ўрганса, баъзан яратаётган мато гулларини эски китоблар нақшларидан излаб топди. Коллекционерлар, санъатшунослар мулоҳазалари унга қанот бағишлайди.

— Ҳунарнинг орқасидан ризқ-рўз топдим, — дейди Фазлиддин ака. — Мулк эгаси бўлдим. Илгари қурилиш ташкилоти бўлган, тўхтаб қолган корхона биносини сотиб олиб, «Икат» ҳунармандчиликни ривожлантириш марказини ташкил этдим. Бугун бу ерда шогирдларим атлас ва адрас тўқиш сир-синоатларини пухта ўрганишмоқда. Ишлаб чиқарган маҳсулотимизга нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Бунга Россия ва АҚШнинг Санта Фе шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмалардаги иштирокимиз мобайнида бир неча бор амин бўлдим. Ишларимизга ЮНЕСКОнинг сифат белгиси берилиши эса саъй-ҳаракатларимиз беҳуда эмаслигини кўрсатди.

Фазлиддин Дадажоновнинг меҳнатлари эл-юрт, давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Устанинг «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирлангани бунинг ёрқин исботидир.

Пойтахтдаги «Чорсу» қадимий адраслар марказига йўли тушган одам беқиёс ранглар жилвасига бир зум ҳайрат билан боқиши табиий. Марказда тайёрланаётган 700 дан ортиқ ипакчилик маҳсулотининг 500 хилини адрас матоси ташкил этади. Европача услубда тикилган замонавий кийимларга сингдирилган миллий андозалар, хушбичим либослар ҳар қандай аёл-қиз ҳуснига ҳусн қўшади.

— Адрас — мисоли бир гул, — дейди марказ раҳбари Бахтиёр Рустамов. — Гулни ҳидлаб кўриб танлашганидай, адрасни ҳам қўл билан ушлаб, унинг жилосини ҳис қилиб танлаш мумкин.

Б. Рустамов раҳбарлигида Марғилон шаҳрида фаолият олиб бораётган ишлаб чиқариш цехига 70 дан ортиқ хотин-қиз жалб қилинган. Талабга қараб 1 ойда 100 минг метргача газлама ишлаб чиқарилади. Маҳсулот хилини кўпайтириш ва сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилади. Биргина 2016 йил учун 60 дан ортиқ нусха яратилди. Бир-бирини такрорламайдиган безаклар ҳунарманднинг нозик диди ва юксак маҳоратидан дарак бериб туради.

— Аҳоли талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, Тошкентда ҳам тикувчилик цехини очишга қарор қилдик, — дейди Бахтиёр ака. — Айни пайтда 20 дан ортиқ чеварларимиз томонидан яратилаётган турфа хил миллий либослар опа-сингилларимиз томонидан севиб харид қилинаяпти.

Бундан ташқари Европа давлатлари, Россия, Араб Амирликлари, Корея, Япония ишбилармонлари ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда.

Тикувчиликка ҳаваси баланд Дилноза Юсупова «Ҳумо» модалар ательесини очаётганида атлас ва адрас каби миллий матолардан кўркам замонавий либослар яратишни кўнглига туккан эди. Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги корхонада дастлаб икки нафар синглиси билан иш бошлаган тадбиркор ҳозир 20 нафар чеварга бош-қош.

— Бугун корхонамизда 100 хилдан ортиқ адрас либослар тикилмоқда, — дейди ёш тадбиркор. — Газламани эса асосан Марғилон ҳунармандларидан олаяпмиз. Маҳсулотимизни маҳаллий бозорларга тарқатаяпмиз. Бундан ташқари, турли танлов ва кўргазмаларда иштирок этиб, ҳамкорлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бугун кўча-кўйда, тўю тантаналарда адрасдан тикилган кўркам либосли опа сингилларимизни кўриб кўз қувнайди. Хушбичимлиги, нафислиги билан ҳар қандай кишини мафтун айлайдиган бу либосларнинг яна урфга киришида моҳир ҳунарманд ва тадбиркорларимизнинг ўрни беқиёс. Қолаверса, юртимизда бугун ҳунармандчилик, тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган ҳар бир инсон учун барча имтиёзлар яратилган. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз маънавий қадриятининг бир бўлаги бўлган миллий матоларимиз шуҳратини дунёга ёймоқда.

# Саноат салоҳияти ошмоқда

**Ўтган йили Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 20,9 млн. доллар қийматидаги 116 лойиҳа амалга оширилиб, қирққа яқин турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1920 кишининг бандлиги таъминланди.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 майдаги «2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ишга туширилган янги қувватлар воҳада рақобатбардош қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари, турли халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтирди, — **дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Сайдулла Холиқов.** — Бошқача айтганда, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши янада кўпайди.

Хусусан, Термиз шаҳридаги «Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари» МЧЖ томонидан 1 млн. 200 минг АҚШ доллари қийматидаги маблағ эвазига хорижнинг замонавий технологияси ўрнатилиб, бир кунда ўн тоннагача музқаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда замонавий корхонада 34 турдаги музқаймоқ ишлаб чиқарилиб, замонавий усулда қадоқланмоқда.

«Surxon Termiz Chinni» корхонасининг барпо этилиши учун эса «Алоқабанк» Сурхондарё филиалининг 7 миллиард 400 миллион сўм кредити жуда қўл келди. Натижада 20 турдаги чинни буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 150 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган янги корхона йилига саккиз миллион донагача хорижникидан қолишмайдиган бежирим чинни буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Термиз шаҳридаги «NOVA PHARM» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси иккинчи босқичининг ишга туширилиши янги турдаги сифатли ва ноёб кукун, шифобахш дамлама ҳамда турли сироплар ишлаб чиқариш имконини яратди.

Бир пайтлар аграр ҳудуд бўлган вилоятнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида бу йил 52 млн. доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилади. 41 лойиҳа амалга оширилиб, енгил, кимё ва кўмир, шунингдек, машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар, электроника, қурилиш материаллари, мебелсозлик саноатларида янги қувватлар ишга туширилади. Ишлаб турган қатор корхоналар модернизация қилинади. Натижада импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ички бозорга чиқарилади.

**Муҳриддин НУРМАНОВ, Сурхондарё вилояти.**

# Сон эмас, сифат муҳим

**Маълумки, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мулкдорларга ўз маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш учун ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, экспорт таркибида хусусий секторнинг улуши тобора ошиб бораётир.**

■ **Фахриддин НУРАЛИЕВ,** «XXI asr»

Айни кунда кичик бизнес корхоналари томонидан кенг турдаги қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, кийим-кечаклар, электротехника воситалари ишлаб чиқарилиб, мижозларга замонавий хизматлар кўрсатилмоқда. Жамғарма эса, ўз навбатида, уларнинг товар ва хизматларини экспортга йўналтириш, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун барча имкониятларни сафарбар этаяпти.

Ушбу мақсадлардан келиб чиқилиб, йил бошидан бери Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш, уларга чет эл бозорларида ҳамкорлар топишда кўмаклашиш ҳамда экспорт жараёнида вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш мақсадида соҳавий давра суҳбатлари ўтказиб келаётир.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси тўқимачилик маҳсулотлари экспортига бағишланди. Тадбирда соҳа корхоналарини экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг маҳсулотларини хориж бозорларига чиқаришда яқиндан ёрдамлашиш ҳамда савдо-сотиқ жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун жамғарма иштирокини янада кенгайтириш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Таъкидланганидек, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кутилган натижаларни бермоқда. Жумладан, 22-25 январь кунлари Францияда ўтказилган «Who's Next – Pret-a-Porter Paris 2016» тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмасида 30 дан ортиқ маҳаллий маҳсулот намуналари намойиш этилиб, тадбиркорлик фаолиятига оид 231 та тижорат таклифлари ўртага ташланди, махсус каталог ва буклетлар тарқатилди, 100 дан ортиқ хорижий ҳамкор билан музокаралар ўтказилди. Натижада 10,8 млн. доллар ҳажмидаги экспорт битимлари имзоланди.

— Биз маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ишончли шериклар топишда яқиндан кўмаклашиш мақсадида хорижий бозорларни ҳар томонлама ўрганиш, манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди жамғарма директори ўринбосари Камолиддин Нурматов. — Шу боис бугунги тадбирга экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар билан бир қаторда ташқи савдо ва логистика компаниялари вакилларини ҳам таклиф этдик. Зеро, ташқи бозор учун маҳсулотнинг сони эмас, балки сифати муҳимроқдир.

Очиқ мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтган тадбир давомида соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ аниқ таклифлар ўртага ташланди.

# Ҳаёт ҳақиқатлари

Алишер НАВОИЙ

## Деҳқончилик тўғрисида

*Дон сочувчи деҳқон ерни ёриш билан ризқ йўлини очувчидир. Агар ўғрилик ва тузуклиги бўлса солиҳ туясича бўлур. Қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради; ишлашда ҳамдам ва ҳамқадам... Олам маъмурлиги улардан, аламлилар шодлиги улардан. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат халққа ҳам овқат етар, ҳам баракот.*

*Деҳқон агар тўғрилик билан дон сочса, ҳақ бирига етса, юз эшигини очади...*

*...полизида руҳ озиғи кўринадир. Дарахтларининг ҳар бири кўм-кўк осмондай, у дарахтларнинг гул ва меваси юлдуз ва юлдузчалардай...*

## Турли фойдалар ва ўрнак бўлиш сурати

*Тез қўлга кирган узоққа чўзилмас, мақтаган билан баҳоси ортмас...*

***

*Илм ўқиб унга амал қилмаган, шудгор қилиб уруғ экмаганга ўхшар, ёки уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаганга ўхшар...*

***

*Оз демоқ ҳикматга боис, оз емоқ соғлиққа сабаб. Оғзига келганни демоқ нодон иши ва олдига келганни емоқ ҳайвон иши...*

***

*Нафсига берилган кишидан ҳунар келмас — емакдан ўзга: шахспараст кишидан фойда етмас — демакдан ўзга. Бири ҳаром овқатдан ором олар, бири ўз мақтови сўзидан роҳатланар...*

***

*Ақлли кишилар хатосидан огоҳланади, тўғри йўлга тушиб олади. Буни у ўз хатосидан бошқалар огоҳланишидан ва айбини юзига солишдан бурун қилади.*

## Саховат ва ҳиммат тўғрисида

*Сахийлик инсоният боғининг нафақат ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг ширин мевасидир.*

***

*Саховатсиз киши — ёғинсиз баҳор булути ва иси йўқ тотор мушкидир. Мевасиз дарахт ҳам биру ўтин ҳам бир, ёғинсиз булут ҳам биру тутун ҳам бир.*

***

*Саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафни бирдай ҳисобласа бўлади... Сахий — булутдир. Иши хирмон, балки хазина бермоқ, бахил эса чумолидир, одати дон ва машоқ термоқ.*

***

*Ҳимматлиларнинг ихтисоси сахийликдир. Бу икки шарафли сифат (саховатлилик ва ҳимматлилик) покиза кишиларга хосдир. Сахийлик инсоннинг баданидир, ҳиммат — унинг жони. Исрофгарчилик сахийлик эмас...*

***

*Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёликдир. Кишилар кўрмагунча бермаган пасткашдир, сахий эмас. Тилаганга берганни ҳам сахийликдан йироқ бил, қистов билан бермаганни яхшироқ бил. Битта нонни икки бўлиб, ярмини бир очга берганни сахий дегил, ўзи емай барини муҳтожга берганни сахий дўст дегил.*

**(«Маҳбуб ул-қулуб»дан)**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган*

ASIA ALLIANCE BANK

# Ишончли ҳамкор

«ASIA ALLIANCE BANK» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ МОЛИЯ БОЗОРИДА 2009 ЙИЛДАН БУЁН САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТИР. ЎТГАН ҚИСҚА ДАВРДА МАЗКУР БАНК МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРДА ЎЗИНИНГ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИНИ ҚЎШАЁТГАН МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА НОМ ҚОЗОНДИ

■ **Дилфуза Ҳабибова,** «XXI asr»

Биламизки, банк соҳаси ривожланиши ва эътироф этилиши учун олти йил қисқа муддат, бироқ «ASIA ALLIANCE BANK» нафақат маҳаллий, балки хориж мутахассислари томонидан барқарор ривожланаётган, актив ва ресурс базаси мудом ўсиб бораётган, мижозларга тақдим этаётган хизмат турларининг ўзига хослиги билан бошқа турдош муассасалардан ажралиб турадиган молия институти, дея таърифланмоқда. Банк хизмати соҳасида ахборот технологияларнинг кенг қўлланилиши эса мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиб, хизматларнинг жозибадорлигини оширмоқда.




Бугунги кунда мазкур молия муассаси юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар кўламини кенгайтириб бораётгани активлар ўсиши ва мижозлар сонининг йилдан-йилга кўпайишига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2016 йил 1 январь ҳолатига банк активлари 1040,1 млрд. сўм, кредитлаш ҳажми 443, 1 млрд. сўм, аҳоли қўйилмалари 724,3 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Мижозларни жалб этиш сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилаётгани туфайли корпоратив мижозлар сони 3,5 мингдан ошиб кетгани, 100 мингдан ортиқ жисмоний шахсга замонавий, жаҳон стандартларига жавоб берадиган хизматлар кўрсатилаётгани банкнинг ишончли ҳамкорга айланганидан далолатдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларини молиялашда чет эл капиталини жалб қилиш, обрўли халқаро молия ташкилотлари ишида самарали иштирок этиш банк ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Маълумки, хорижий кредит линиялари қулайликларидан оқилона фойдаланиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг экспорт салоҳиятининг ўсиши, миллий маҳсулотларимизнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда харидоргир бўлишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, банк жамоаси қатор чет эл молия институтлари билан савдо лойиҳаларини молиялаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув ўрнатишга эришди. Хусусан, хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (XSRIK) молиялаштириш линияси маблағлари ҳисобидан ушбу секторнинг истиқболга мўлжалланган лойиҳаларига маблағ ажратилишига эришилди. Шунингдек, Германиянинг LandesbankBerlin AG (LBB), LandesbankBaden-Wurttemberg банклари ҳамда «EulerHermes» кредит агентлиги билан узоқ муддатли кредит линиялари бериш ва хусусий секторни молиялаштириш бўйича халқаро кредит келишувлари имзоланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банк жамоаси икки марта Германиянинг Commerzbank AG томонидан «Аъло даражадаги ҳамкорлиги учун» мукофотига лойиқ топилган. «GlobalFinance» нуфузли халқаро нашрининг соҳа мутахассислари билан ўтказган таҳлилларига кўра, «ASIA ALLIANCE BANK» жорий йилда савдога йўналтирилган инвестиция қўйилмалари бўйича Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб тан олинди. Шунингдек, 2014 ва 2015 йилларда мазкур банк «Осиё-Тинч океани ҳудудида ривожланаётган молия бозоридаги энг яхши банклар» номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди.

Маълумки, нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг ижобий рейтинг баҳосига эга бўлиш банклар учун ташқи молия хизматлари бозорида ишлаш имкониятини кенгайтиради. «Moody`sInvestorsService» рейтинг агентлигининг «B3» шкаласи бўйича «барқарор» даражаси, ўтган йили эса «Ahbor-Reyting» агентлиги томонидан «uzA+» миллий шкаласи бўйича алоҳида кредит рейтинги «барқарор» истиқболи билан тасдиқлангани банкнинг молия бозорида ишончли ўрин қозонганидан далолат бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, «ASIA ALLIANCE BANK» давлатимиз иқтисодий салоҳиятини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналарни замонавий техника ускуналари билан таъминлашдаги саъй-ҳаракати, мижозларнинг ишончи, оқилона кредит сиёсати, ва хизматлар сифатининг юқорилиги билан молия бозорида алоҳида ўринга эга бўлиб бормоқда.

## ОБ-ҲАВО

**Ўзгидрометеорология хизматидан хабар қилишларича, мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. Ёғингарчилик кутилмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Нисбатан совуқ об-ҳаво кузатилса-да, дам олиш кунларига бориб исий бошлайди. Айрим ҳудудларда ҳарорат кечаси 0...-5 совуқдан 0...+5 илиқ, кундузи +8...+13 илиқгача кўтарилади. Жанубий вилоятларда ҳарорат кечаси 0...+5, кундузи +13...+18 даражагача илиқ бўлади. Водий вилоятларида термометр миллари кечаси 0...+5, кундузи +6...+11 даража илиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 0...+5, баъзи жойларда -2 даража совуқ, кундузи эса ҳаво ҳарорати +18 даражага кўтарилиши кутилмоқда.**

РЕКЛАМА




# Ўзбекистон — Япония 2:0

**Таиландда ўтказилаётган теннис бўйича Осиё ва Океания минтақасидан федерациялар кубогига саралаш баҳси доирасида Ўзбекистон терма жамоаси Япония спортчиларига қарши баҳс олиб борди.**



Ушбу босқичнинг даслабки учрашуви Сабина Шарипова ҳамда Кумури Нара ўртасида бўлиб ўтди. Бир соату ўттиз дақиқа давом этган баҳсда теннисчимиз 6:2 ва 6:3 ҳисобида зафар қучди.

Иккинчи беллашувда Нигина Абдураимова Tashkent Open-2015 турнири ғолиби Наро Хибино билан куч синашди ва 6:7, 6:4, 6:3 ҳисобларида иродали ғалабани қўлга киритди.

Яккалик баҳсларидан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 2:0 ҳисобида Япониядан олдинда бормоқда. Бугун жуфтликлар баҳслари бўлиб ўтади.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

### Қишда этик шарт эмас(ми?)!

**Қишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Кўпчилигимиз қалин кийинамизу оёқни иссиқ тутиш ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Ваҳоланки, тананинг шамоллаши оёқдан бошланади. Европалик олимлар шуни назарда тутиб, қишки пойабзал ичига солинадиган патакнинг замонавий нусхасини яратишди. Мазкур тўшама бир қатор қулайликларга эга бўлиб, танангизга иссиқ ҳарорат бағишлаш билан бир қаторда, сайр пайтида қадамларингизни сони ва қанча калория сарфлаганингизни ҳисоблаб боради. Янги патак сув ўтказмайдиган уч қаватли дигитсоле хомашёсидан ясалган бўлиб, ҳар қандай совуқда ҳам оёқларингизни иссиқ сақлаш имконини беради. Хуллас, энди қишда этик кийишга ҳожат қолмайди шекилли!?**

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши партиянинг кадрлар бўйича инспектори **Раҳима НОРҚУРБОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

## ЭЪЛОН

**O`zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ПАРТИЯ ЛОГОТИПИ ТУШИРИЛГАН ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЧОП ЭТИШ ИШЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗМОҚДА:**

Аъзолик ҳисоб-варақаси (300 гр., мелованний, 11х15 см., 1+1) — 100 000 дона, аъзолик гувоҳномаси (170 гр., мелованний, 10х7 см., 4+4, рақамланган) — 100 000 дона, партия Устави (ўзбек тилида, 60 бет, А6 форматли, 80 гр., офсет қоғози, муқоваси рангли, 150 гр.) — 44 000 дона, Дастур (ўзбек тилида, 48 бет, А6 форматли, 80 гр., офсет қоғози, муқоваси рангли, 150 гр.) — 44 000 дона, Сайловолди дастури (ўзбек ва рус тилларида, 72 бет, А6 форматли, 80 гр., офсет қоғози, муқоваси рангли, 150 гр.) — 44 000 дона, блокнот (формат А5, муқова 300 гр. Ички саҳифа 80 гр., 50 бет, 4+0, ички саҳифа 1+0, пружинали блокнот) — 30 000 дона, ручка — 15 000 дона, папка (тайёр маҳсулот А4 форматида, 300 гр. қоғоз, мелованний, 4+0, УФ лак, чўнтак) — 30 000 дона, флагшток 2 талик байроқчалари билан — 750 дона.

Баъзи техник характеристикаларда ўзгариш эҳтимоли бор.

**Батафсил маълумот учун мурожаат телефонлари: 0 (371) 254-04-69, 0 (371) 281-49-67.**

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 5069 Тираж: 15248

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: О.РАЖАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.